ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

23 апрель, пайшанба 1998 йил №47 (549)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

2-бетда
АРЗОНИГА УЧГАНДА СИФАТИНИ УНУТМАНГ

3-бетда
ЕТТИ ҚАВАТ ТЎН

4-бетда
ЗАМАХШАРИЙ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Узбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги Фармонини бажариш юзасидан ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдаги ролини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг /бундан кейин Уюшма деб аталади/:

Уюшма ва унинг ижро этувчи аппарати ташкилий тузилмаси тўғрисидаги таклифи;

Уюшманинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари тегишли ҳудудий ҳамда туман уюшмалари негизида ташкил этиладиган вилоят ва туман вакилликлари ижро этувчи аппаратларининг ташкилий тузилмаси тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Уюшма ва унинг ҳудудий вакилликлари деҳқон ва фермер хўжаликларини бирлаштирадилар, давлат ташкилотларида ва бошқа ташкилотларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар ва ифодалайдилар, ўз фаолиятларини уставларга мувофиқ, тўлиқ хўжалик ҳисоб-китоби принципларида ташкил этадилар;

Уюшманинг ўз аъзолари билан ўзаро ҳуқуқий муносабатлари уларнинг уставлари ҳамда хўжаликлар томонидан Уюшманинг туман вакилликлари билан тузиладиган, Узбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ томонларнинг ўзаро жавобгарлигини ва манфаатларини назарда тутувчи шартномалар асосида амалга оширилади;

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси ва унинг ўринбосарлари съезд томонидан сайланадилар ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тасдиқланадилар ҳамда мақоми, маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра Уюшма раиси -вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари - вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосари - вазир ўринбосарига тенглаштириладилар;

Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг директори лавозимига кўра Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раисининг ўринбосари ҳисобланади;

Ҳудудий вакилликлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар билан келишилган ҳолда Уюшма раиси томонидан тайинланадилар.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси ҳамда Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан тузилган барча шартнома ва мажбуриятлар бўйича, Уюшманинг ҳудудий вакилликлари эса - тегишли равишда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари туман ва ҳудудий уюшмаларининг шартномалар ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланадилар;

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда унинг ҳудудий вакилликлари ижро этувчи аппаратларини маблағ билан таъминлаш улар томонидан таъсис этилган, деҳқон, фермер хўжаликларига ва якка тартибда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятидан олинадиган даромадларнинг бир қисми, шунингдек Уюшма аъзоларининг ишлаб чиқариш фаолиятидан ихтиёрий ажратмалар, аъзолик бадаллари ҳамда амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

4. Қуйидагилар Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

деҳқон ва фермер хўжаликларининг республика қонунчилиги билан уларга берилган ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти, уларни ташкил этиш ва тугатиш мониторингини юритиш;

деҳқон ва фермер хўжаликларида ерлардан самарали фойдаланилишини мунтазам ўрганиш, ер участкаларини қўшимча равишда ажратиш ёки қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйиш тўғрисида тегишли ҳокимликларга таклифлар киритиш;

майда ва ўрта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини шартнома асосида уруғликлар, ўғитлар, кўчатлар, наслдор моллар ва бошқа ресурслар билан таъминлашга, уларга ишлаб чиқариш - технология, транспорт, юридик, ахборот, маркетинг хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатишга кўмаклашиш;

деҳқон ва фермер хўжаликларига улар етиштирган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш;

деҳқон ва фермер хўжаликларига уларни кредитлар, шу жумладан хорижий кредитлар олишида ва уларни ўзлаштиришида маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш.

5. Уюшмага қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

янгидан ташкил этилаётган ва тугатилаётган фермер хўжаликларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек уларга қўшимча ер участкалари ажратиш ёки уларни олиб қўйиш учун ўзининг туман вакилликлари орқали тавсияномалар бериш;

туман статистика органларидан деҳқон ва фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисида ҳисоботлар олиш ҳамда уларни ўрганиб чиққандан кейин қўшимча участкалари ажратиш /буюртманомалар мавжуд бўлганда/ ёки уларни олиб қўйиш тўғрисида туман ҳокимликларига таклифлар киритиш.

6. Уюшмага деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида ташкилий ишлар олиб бориш ҳамда улар томонидан техникага биргаликда эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, сотиш ва экспорт қилиш, моддий-техникавий таъминлаш, омихта озуқа ишлаб чиқариш бўйича фермерлар, деҳқонлар ва бошқа шахсларнинг нақд пул маблағларидан тижорат асосларида, шунингдек банк кредитларидан фойдаланган ҳолда ихтиёрий асосда ихтисослаштирилган кооперативлар ташкил қилишда зарур ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

7. Қуйидагиларга: деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан ташкил этилаётган кооперативларга, етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш саноати корхоналарига сотиш юзасидан, тажриба тариқасида, улар номидан шартномалар тузишга;

Уюшма аъзоларига мустақил равишда ёки улар томонидан ташкил этиладиган тайёрлов кооперативлари орқали мева-сабзавот маҳсулотларини ҳамда уларни қайта ишлаб олинган маҳсулотларни, валюта тушумининг бир қисмини Узбекистон Республикаси Марказий банкига сотмасдан, бартер асосида экспорт қилишга рухсат берилсин.

Узбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини ва уларни қайта ишлаб олинган маҳсулотларни республикадан четга чиқариш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Узбекистон банклари уюшмасига кейинчалик деҳқон ва фермер хўжаликларига Узбекистон ваколатли банклари орқали микро ва кичик кредитлар бериш учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 4О миллион АҚШ долларигача миқдордаги қўшимча ўрта муддатли кредит линиясини очиш юзасидан икки ой муддатда таклифлар киритиш тавсия этилсин.

9. Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Узмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, «Уздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Уздонмаҳсулот» корпорацияси, «Уздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси ва бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда деҳқон ва фермер хўжаликларини, уларнинг кооперативларини зарур қишлоқ хўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, уруғликлар, кўчатлар, зотли моллар, ем-хашак ва бошқа моддий ресурслар билан янада тўлароқ ва ўз вақтида таъминлаш, шунингдек уларга хизматлар кўрсатиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар.

1О. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари деҳқон ва фермер хўжаликларига уларнинг ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашсинлар. Маҳаллий ҳокимият органларининг деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмасин.

11. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

а/ Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажаришни ташкил этиш масалалари ҳақида» 1997 йил 28 апрелдаги 215-сон қарорининг барча матнидаги «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси» сўзлари «Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б/ Вазирлар Маҳкамасининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги Низомни ҳамда унинг маблағларини жамғариш ва улардан фойдаланиш Тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 25 октябрдаги 486-сон қарорида;

қарор ва қарорга иловалар матнларидаги «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзлари «Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида Низом»нинг Ш бўлими қуйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин «хорижий микрокредитлар олиш шарт-шароитларини таъминлаш учун уларнинг гаровга қўйиладиган мол-мулки етишмаган тақдирда деҳқон ва фермер хўжаликлари устав жамғармаларини шакллантиришга улуш қўшиш»;

в/ Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ савдосида мулкчилик муносабатларини, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва монополиядан чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 24 мартдаги қарорида 1-банднинг охирги хат боши чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1997 йил 15 апрелдаги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Оммавий ахборот воситалари жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги фермерлик ҳаракати тажрибасини ёритсинлар, республиканинг энг яхши хўжаликлари эришган натижаларни мунтазам кўрсатиб борсинлар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни очиб берсинлар.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Журабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар
Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 22 апрель

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Чеченистон Президенти Аслан Масхадов Ичкерия Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дастлабки элчиларини тайинлади. Масхадовнинг бу хатти-ҳаракати Чеченистоннинг халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини яна бир бор намойиш этишга уриниш деб баҳоланмоқда.

* * *

Индонезияга қарашли Калимантан оролида сурункали ёнғинлар бўлиб ўтмоқда. Асосан оролнинг ўрмонзорлари ёнмоқда. Ёнғиннинг асосий сабаби Калимантан оролида бир неча ойдан бери давом этаётган қурғоқчиликдир.

* * *

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе мамлакатда коррупцияга қарши қақшатқич кураш бошлаганини эълон қилди. Грузиянинг олий мартабали кишилари орасида ўз мавқеини суистеъмол қилиш, порахўрлик ва жиноий гуруҳларни қўллаб-қувватлаш ҳоллари авж олиб кетган. Эдуард Шеварднадзе бундай ҳолатга чек қўйишга қарор қилган.

* * *

Австриянинг Инсбурк шаҳрида даволанаётган Чехия Президенти Вацлав Гавел яна операция столига ётқизилди. Бир ҳафта аввал ичак хасталиги хуружи туфайли операция қилинган Чехия президентининг аҳволи оғирлашган. Шифокорлар уни қайтадан операция қилиб, ичагининг хасталанган жойидан яна бир қисмини кесиб ташлашга мажбур бўлдилар.

* * *

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Грузиядаги ядро қуролларини олиб чиқиб кетиш бўйича махфий операцияни бошлади. АҚШ Давлат котиби Мадлэн Олбрайтнинг баёнот беришича, Грузия ядро қуроллари урушқоқ сиёсий кучлар қўлига тушиб қолмаслиги учун зудлик билан йўқотилиши керак. Ядро қуроллари Буюк Британияга олиб кетилади ва ўша ерда қайта ишланиб, зарарсизлантирилади.

* * *

Африкадаги Сомали давлатида Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг ўн нафар ходими жиноятчилар томонидан гаровга олинган. Жиноятчилар ҳукуматдан ҳар бир гаровга олинган ходим учун юз минг доллардан пул талаб қилишмоқда. Акс ҳолда, тутқунлар ўлдирилишини маълум қилдилар. Гаровга олинганлар орасида Америка Қўшма Штатлари, Швейцария, Франция ва бошқа Ғарб давлатлари фуқаролари бор.

* * *

Америка Қўшма Штатларининг «Коламбия» номли фазовий кемаси экипажи фазовий шароитнинг инсонлар, балиқлар ва қушлар нерв системасига таъсирини ўрганмоқдалар. Олиб борилаётган тадқиқотлар фазовий шароитнинг инсонлар ва жониворлар саломатлигига салбий таъсирлари олдини олиш имконини беради.

* * *

Буюк Британия Бош вазири Энтони Блэир Яқин Шарқ минтақаси бўйлаб сафарини якунлади. У Исроил ва Фаластин раҳбарлари, шунингдек, қатор араб давлатлари бошлиқлари билан учрашди. Энтони Блэир ватанига жўнаб кетиш олдидан яна икки ҳафтадан сўнг Лондонда бошланадиган Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш музокараларида томонлар ўзаро ҳамжиҳатлик ка келишиб оладилар, деб умид билдирди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

Олий Мажлис ўн биринчи сессияси олдидан

Улкан ва аҳил оила

Ҳар қандай жамиятнинг етуклиги унинг аёлга бўлган муносабати билан белгиланади, дейишади. Бу иборани сал ўзгартириб, ҳар қандай жамиятнинг етуклиги унинг оилага бўлган муносабати билан белгиланади, дейиш мумкин. Зеро, оила қадр топган жамиятдагина аёл ўзининг ҳақиқий қадрини топади. Юртимизда бу борада жуда кўп хайрли ишлар қилиняпти. 1998 йилнинг Оила йили деб эълон этилганлиги бунинг ёрқин далилларидан биридир.

Мамлакатимиз ўзининг буюк келажаги сари дадил одимлаётган, иқтисодиётнинг барча соҳаларида бозор муносабатлари ривожланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётган ҳозирги даврда оилани неча минг йиллик қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз асосида шакллантириш, маънавий соғлом ва мустаҳкам оилани тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Оила ҳақида ғамхўрлик асосий қомусимиз - Конституциямизда ўз ифодасини топган. Унда шундай сўзлар ёзиб қўйилган: «Оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга». Давлатимиз раҳбари бу муҳим қоиданинг мазмун-моҳиятини янада кенгроқ ва теранроқ баён этиб, Оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир. Оила жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазасида, ҳимоясида бўлиши шарт, деб таъкидлади... Зеро, оила ҳаётимизнинг абадийлигини, авлодларимиз давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф- одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар

қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Президентимиз ишлаб чиққан бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш асосий тамойилларидан бири - кучли ижтимоий ҳимоя оила, оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялашда айниқса яққол намоён бўлмоқда. Ҳукуматимизнинг бу борадаги дастури оила манфаатларини таъминлаш ва соғлом авлодни тарбиялашдан тортиб, хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши учун зарур шароит яратиш, уларнинг маданий-маърифий, тиббий ва ҳуқуқий билимлари савиясини оширишгача бўлган кенг қамровли вазифаларни ўз ичига олади. Дарвоқе, мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида биринчи бўлиб бизнинг мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилгани ҳам чуқур рамзий маънога эгадир.

Шуни айтиш керакки, мустақил ривожланиш йўлига тушиб олган ҳар қандай мамлакат ҳам оила, унинг муаммолари, унинг иқболи тўғрисида қайғуришдек жиддий ва мураккаб вазифани ўз зиммасига ололмайди. Чунки бу оилага эътиборни тубдан ўзгартиришни, оилани аввало ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашни тақозо этади.

Мамлакатимизда давлат ва жамият аҳамиятига молик ҳар бир хайрли иш уни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий заминини вужудга келтиришдан бошланади. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессияси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган Оила кодекси ҳам юқорида зикр этилган мақсадларга эришиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Тарихи олис мозийга бориб тақаладиган миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, миллий табиатимиз ва жаҳон тажрибаси теран ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ушбу Кодексда оилани юксак маънавий асосга қуриш, уни мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатликни қарор топтириш қоидалари баён этилган. Оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллигига алоҳида эътибор қаратилган. Оила ҳуқуқларининг пухта ҳимоя қилиниши кафолатланган.

Ҳеч бир муболағасиз мамлакатимизнинг Оила қомуси бўлиб қоладиган мазкур ҳужжат дунёда энг олий мақом, энг олий мезон -оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланган. Кодекснинг эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқидаги оилавий муносабатларни тартибга солишни кўзда тутувчи барча боб ва моддалари ана шу руҳ билан йўғрилган.

Оиланинг, унинг жамиятимиз, ҳаётимиздаги роли, ўрни беқиёс ортиб бораётган ҳозирги вақтда барча оилавий муносабатларни бир ёки бир неча қонун ҳужжатлари ёрдамида тўла йўлга солиб бўлмайди. Шу боис, Кодексга «Оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши» деган модда киритилганлиги ғоят диққатга сазовордир. Унга мувофиқ қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, республикамизнинг қонуний ҳужжатлари тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилиши мумкин.

Бу ҳолат мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар демократик, халққа яқин ва тушунарли эканининг яққол далилидир. Кодекснинг умухалқ муҳокамасида нафақат ҳуқуқшунос ва мутахассислар, балки кенг жамоатчилик, фуқаролар иштирок этганлиги, унинг у ёки бу моддасини янада тўлдириш ва такомиллаштириш бўйича муҳим таклиф ва фикр-мулоҳаза билдирилганлиги ҳам шундан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда етук ва баркамол оилани шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат ва жамият бунинг учун зарур барча шароитни вужудга келтираётир. Ўзбекистон Республикасининг Оила тўғрисидаги кодекси ҳам ана шу олижаноб мақсадга хизмат қилади. Зеро, йўлбошчимиз таъкидлаганидек, Оила - муқаддас даргоҳ, она - миллатнинг келажаги, фарзанд эса унинг зийнати ва иқболидир. Қолаверса, бутун мамлакатимиз улкан ва аҳил оиладир.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Қорақалпоғистон республикаси янгиликлари

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Мўйноқ туманидаги «Қозоқдарёбалиқ» ҳиссадорлик жамияти аъзолари қишки - баҳорги балиқ овини муваффақиятли ўтказдилар. Улар йилнинг биринчи чораги учун белгиланган 150 центнер ўрнига 267 центнер балиқ овлаб, режани ортиғи билан ўринлашди.

Шунингдек, «Қорақалпоқбалиқ» давлат ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли «Нукусбалиқ»,»Кегейлибалиқ» ҳиссадорлик жамиятлари ҳам балиқ овлаш режасини бажаришди.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Бахмал тумани хўжаликлари ғалладан мўл ҳосил етиштириш иштиёқида дала ишларини олиб боришмоқда. Механизаторлар эса ўрим техникаларини шайлашмоқда.
Суратда: механизатор А.Қозоқбоев.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

«Ишонч» мақолалари изидан

«НАҚД ПУЛ ТАЪМИНОТИДАГИ УЗИЛИШЛАР»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ишонч» рўзномасининг шу йил 14 апрель 43 (545) сонида чоп этилган «Нақд пул таъминотидаги узилишлар» номли мақолада келтирилган ҳолатлар юзасидан қуйидагиларни маълум қилади. Мақолада Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида ёш болали оилаларга тўланадиган нафақалар уч ойдан бери тўланмаётганлиги танқид қилиниб, бунга нақд пул етишмаслиги сабаб қилиб кўрсатилганди.

Марказий банк, Молия вазирлиги ва «Халқ банки»нинг масъул ходимларидан иборат гуруҳ ушбу мақолада келтирилган фактларнинг асл моҳиятини билиш учун Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида бўлиб, аҳволни атрофлича ўрганиб чиқишди.

Мақолада келтирилган Мирзачўл туманида ёш болали оилаларга нафақа тўловлари бўйича узилишлар туман молия бўлими томонидан ўз вақтида ва тўла молиялаштирилмаганлиги сабабли вужудга келганлиги маълум бўлди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бутун республикамиз миқёсида бўлгани каби Мирзачўл туманида ҳам иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақа тўловларини тўлаш бўйича нақд пул билан таъминлаш борасида ҳеч қандай муаммо йўқ.

Туманда нафақа пуллари бўйича молиялаштирилган маблағлар тўлиқ нақд пул билан таъминланган, яъни у марказлаштирилган тартибда ажратилган маблағлар ва Халқ банки кассаларига келиб тушган пул ҳисобидан тўланган.

Туман банкларида мазкур тўловларни амалга ошириш учун етарлича нақд пул маблағлари мавжуд бўлиб, нафақат Мирзачўл туманида, балки бутун Жиззах вилоятида айни тўловларни амалга ошириш учун етарлича нақд пул маблағлари мавжуд бўлган, яъни ҳеч қандай муаммо юзага келмаган.

Ҳозирги пайтда Марказий банк томонидан пенсия ва турли ижтимоий нафақалар, шунингдек, бюджет қарамоғидаги ташкилотлар ходимлари маошлари марказлаштирилган тартибда молиялаштирилган маблағлар доирасида тўланмоқда.

Республика Марказий банки иш ҳақи, пенсия ва бошқа нафақалар ўз вақтида тўланиши учун молиялаштирилган маблағларни ўз вақтида нақд пул билан таъминламоқда ва тўланишини қаттиқ назорат остига олган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан мазкур тумандаги нафақа тўловларини тўлаш аҳволи ўрганиб чиқилиб, ушбу тўловлар тўла молиялаштирилмаганлигини маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати

«Меҳнат аҳлига ғамхўрлик шуми?»

(1998 йил 14 март)

Ушбу танқидий мақола юзасидан Қарши тумани ҳокими ўринбосари Ж.САФАРОВ имзоси билан қуйидаги жавоб олинди:

Қарши туман ҳокимлиги «Ишонч» рўзномасининг 1998 йил 14 март сонида чоп этилган А. Самарриддиновнинг «Меҳнат аҳлига ғамхўрлик шуми?» номли мақоласини А.Икромов жамоа ширкат хўжалиги меҳнаткашлари ва хўжалик фаоллари билан биргаликда атрофлича ўрганиб чиқди.

Мақолада баён этилган хўжаликнинг иқтисодий аҳволи йилдан-йилга қийинлашаётгани сабаблари чуқур таҳлил қилинди. Ҳақиқатдан ҳам хўжалик кейинги икки йилда Давлатга пахта сотиш режасини ҳамда ялпи дон етиштиришни тўлиқ таъминланмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири хўжаликнинг икки минг гектардан ортиқ суғориладиган экин майдонлари насослар ёрдамида суғорилиши билан боғлиқдир. Шунингдек, ерларнинг шўрланганлиги ҳосилдорликнинг камайишига олиб келди. Бу камчиликларни 1998 йилда бартараф этиш учун барча чора тадбирлар ишлаб чиқилди. Бугунги кунда хўжаликнинг энг катта Хилол ариғи экскаваторлар ёрдамида қазилиб суғориш ишлари тўғри йўлга қўйилди. Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун анча ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда 1100 гектар сувли ғалла 2 марта озиқлантирилиб иккинчи сувдан чиқарилмоқда.

Шу кунгача хўжаликда барча қишлоқ хўжалик экинлари экиб бўлинди. Плёнка остида пахта экиш 10 апрелга тугалланди. Оддий усулда экилаётган пахта учун кечаю-кундуз иш ташкил қилиниб 18 апрелга қадар экиб тугатиш графиги ишлаб чиқилган.

Шунингдек, хўжалик ва маҳаллий корхоналар ҳамкорлигида «Маънавият ва маърифат» хоналари қайтадан таъмирланиб, жиҳозлар билан таъминланди. Аҳолига газ, сув ва электр энергия таъминоти яхшиланди. Фуқароларнинг дам олишлари учун ёзги клуб таъмирланди. Хўжаликда кутубхона, чойхона, ҳаммом, сартарошхона ишлаб турибди. Спорт ишларини жонлантириш мақсадида спорт йўриқчиси ўз лавозимидан озод этилиб, унинг ўрнига бевосита спорт билан алоқадор кадр қўйилди. Футбол майдончаси ҳашар йўли билан таъмирланди. Ҳозирги кунда ёшлар мунтазам равишда спорт билан шуғулланмоқдалар.

Туман ҳокимлиги «Ишонч» газетасида чоп этилган мазкур танқидий мақоладан хулоса чиқариб, А.Икромов жамоа ширкат хўжалигини ҳам тумандаги илғор хўжаликлар қаторидан ўрин олишлари учун барча имкониятларни яратади.

Ушбу мақола туман ҳокимлигининг тўлиқ назоратига олинди.

Касаба уюшма янгиликлари

ЯНГИ КАСАБА ҚЎМИТАСИ

Касаба уюшмаларида таркибий қайта ташкил этиш бормоқда. Куни кеча металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмалари Тошкент вилоят ташкилотининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Шу тармоқларга тегишли 40 та саноат корхонаси касаба ташкилотларидан тўпланган вакиллар вилоятда янги касаба қўмитасини сайлашди, бирлашаётган касаба уюшмаси Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қилиб, қурултойга вакиллар сайлашди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда «ОКМК» ҳиссадорлик жамияти касаба қўмитаси раиси С.Пўлатов, «Чирчиқ трансформатор заводи» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Л.Гуль,»Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба қўмитаси раисининг ўринбосари Ҳ.Абдушукуров, Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси М.Тўлаганова ва бошқалар қатнашдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Э.Ёқубов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Конференция металлургия ва машинасозлик саноати касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитаси ва тафтиш комиссиясини сайлади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши котибиятига раҳбарлик қилиб келаётган Б.И.Аҳмедов Тошкент вилоятида янгидан ташкил этилган касаба ташкилоти қўмитасининг раиси вазифасига сайланди.

Конференция ишида Тошкент вилоят ҳокими Э.Рўзиев иштирок этди.

Э.МЕМИШЕВА.

ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ

Хоразм вилоятида иккита тармоқ - енгил саноат ходимлари, маҳаллий, мебель саноат, коммунал майший хизмат ходимлари касаба уюшмалари бирлаштирилди.

Жамиятимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар касаба уюшмалари фаолиятига ҳам бевосита таъсир этмоқда.Бир-бирига яқин тармоқлар касаба уюшма қўмиталари - енгил саноат ходимлари ҳамда маҳаллий, мебель саноати, коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма вилоят қўмиталарининг бирлаштириши ҳам ана шу жараённинг узвий давомидир.

Шу муносабат билан Урганч шаҳрида енгил, маҳаллий , мебель саноати, коммунал-маишийхизмат ходимларикасаба уюшмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Тармоқ қўмиталарини бирлаштириш бўйича ишчи гуруҳи раиси Р.Искандарова ҳисобот маърузаси қилди.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Яқинда касаба уюшмалари Бухоро вилояти кенгашининг мажлислар саройида «Аёл, оила ва саломатлик масалалари» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур анжуман АҚШ халқаро ривожланиш агентлигининг Глобал лойиҳаси асосида Ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон-Америка маркази томонидан ташкил этилган бўлиб, унда Халқаро ривожланиш Америка агентлиги «ТАСИС» ва «ЮНИСЕФ», «Сорос» жамғармалари ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар иштирок этдилар.

Анжуман Ўзбекистон - Америка ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маркази бошқарувининг раиси Мадлен Мирзаевнинг қутлови билан очилди. Шундан сўнг Бухоро вилояти ҳокими Самойдин Ҳусенов, Ўзбекистон Глобал лойиҳаси директори Майя-Лина Кларксон ҳоним конференция иштирокчиларига қутлов сўзларини баён этдилар.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси дастур раҳбари Эльмира Муратова Жаҳон банкининг Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ислоҳотларини амалга ошириш лойиҳаси ҳақида сўзлаб берди.

Музокараларда вилоят «Болалар ва «Маҳалла» жамғармаларининг раислари Абдулла Музаффаров, Исомиддин Жумаев, «Сорос» жамғармаси дастурлар мудири Алишер Қосимов, «Каунтерпарт» консорсиумининг Ўзбекистондаги лойиҳаси директори Блэр Шерйдан, касаба уюшмалари Бухоро вилояти кенгаши раиси Саида Сайфуллаева ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан декларация қабул қилинди.

А.ИСТАМОВ,
«Ишонч» мухбири

Иқтисодиёт чорраҳаларида

«Ерпўлат»нинг обрўйи ошмоқда

Қорақалпоғистондаги йирик саноат марказларининг бири Хўжайли шаҳрида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириб, бозор муносабатларининг ойдин йўлига чиқиб олган корхоналар кўп. Уларнинг энг пешқадамлари хусусида сўз юритилгудек бўлса , албатта, биринчи навбатда «Ерпўлат»ҳиссадорлик жамияти ҳурмат билан тилга олинади. Бунинг боиси бор. Корхона механизациялаштириш нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини узлуксиз равишда қондириб келмоқда.Айниқса, мулк шакли ўзгариб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан буён ўтган икки йил мобайнида истеъмолчилардан бирорта ҳам шикоят келиб тушмагани айниқса характерлидир. Шу боисдан «Ерпўлат»нинг ўтган йил ва амалдаги йилнинг биринчи чорагидаги иқтисодий натижалари ҳам кувонарли бўлди. Жумладан эл дастурхонига 1,5 минг тонна 7хил нон ва нон маҳсулотлари, 100 тоннадан ортиқ макарон етказиб берилди. Салкам 3 миллион сўм соф фойда олинди. Ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик маоши 4,5 минг сўмга етди. Жамоа аъзолари олган акцияларнинг ҳар бир сўми ҳисобига 2 сўм 47 тиййндан дивиденд берилди.

Хуллас, «Ерпўлат»нинг обрўси кун сайин ортиб бораяпти. Бунда уста Айитгул Мискинова, лаборатория мудираси Зулфия Юсупова, ишчилар Шарибой Оллаберганов, Урозбой Қусимбетов, иқтисодчи Умирбой Тасимбетов сингари пешқадамларнинг муносиб ҳиссалари бор.

«Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деганларидек, ҳиссадорларимизга доимо ишлаш ва яшаш шароитларини яратиб беришни асосий мақсад қилиб қўйганмиз,- дейди жамият бошқаруви раиси Омонгелди Еримбетов.- Корхона қошида соғломлаштириш маркази, ошхона, дам олиш хонаси, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари доимо ишлаб турибди. Иш ҳақлари ўз вақтида белгилаш таъминланмоқда. Шунинг учун ҳам жамоа аъзолари ўзларининг жонажон корхоналари довруғини янада ошириш учун аямай меҳнат қилаверадилар.

Биз ҳам эл-юрт ҳурматиззатига сазовор бўлган бу корхонанинг аҳил жамоасига ана шу йўлдан оғишмай боравершиларига тилакдошмиз.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири
Суратда: новвой қутли ШИННБЕКВА.

Қишлоқ янгиликлари

Хўжалик маблағи ҳисобидан

Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги аҳоли зич жойлашган «Янги ҳаёт» хўжалигида пахта, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, пилла топшириш йиллик режалари ошириб бажарилгани туфайли олинган маблағ ҳисобидан қурилган янги қишлоқ шифохонаси ишга тушди.

Янги тиббий муассасада ўн ўринли кундузги стационар мавжуд бўлиб, бу ерда уч врач ва ўн икки тиббий ҳамшира меҳнат қилади. Шифохонани тиклаган «Андижонсувқурилиш» трестининг 4-қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари тиббий ходимлар ва беморлар учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилишган. Замонавий ташхис ва муолажа аппаратларини, шунингдек, «Дамас» «тез ёрдам» машинасини «Янги ҳаёт» хўжалиги сотиб олган.

Хўжалик машинани бензин билан ҳам таъминлайди.

Тумандаги «Урганжи» жамоа хўжалиги ва «Пойтуғ» ширкатлар бирлашмаси бўлимларининг бирида ҳам маҳаллий маблағ ҳисобидан шундай қишлоқ шифохоналари қурилган.

Туман марказий шифохонаси бош шифокори А.Усмоновнинг гапига қараганда, ҳозирги вақтда туман хўжаликларида ишлаб турган еттита қишлоқ даволаш пунктидан тўрттаси хўжаликлар даромадлари ҳисобига қурилган. Яқин йилларда камида ўнта қишлоқ шифохонасини очиш режалаштирилган. Бу - қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни анча яхшилашга имкон беради.

К.НИЗОМОВ
ЎзА мухбири.

ЯККАШ ВОҚЕА ЭМАС

- Ошқозоним оғриб қаттиқ азобландим,-дейди Зангиота туманидаги «Зангиота» жамоа хўжалиги - заводи аъзоси Баҳодир Муҳиддинов, - шунда касаба уюшма қўмитаси ва хўжалик маъмурияти марҳамат қилиб катта кўмак кўрсатишди. Темир йўл бошқармасига қарашли шифохонага бепул йўлланма беришди. Доридармонлар ҳақини ўз зиммаларига олишди. Бу одамгарчиликни ҳеч унутмайман.

«Зангиота» жамоа хўжалигида меҳнаткашларни бундай ижтимоий ҳимоя қилиш яккаш воқеа эмас.

Хўжаликда ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор берилмоқда. Одамлар эса бундай одамгарчиликларга жавобан унумли меҳнат қиладилар, бу эса жамоа бойлигининг кўпайишига олиб келмоқда.

Фактларга мурожаат этадиган бўлсак, хўжалик ўтган йили 45 миллион сўмликдан кўпроқ даромад қилишни режалаштирган эди. Аслида эса даромад 93 миллион сўмдан ортиқни ташкил этди.

Хўжаликда ўзига хос иш услуби таркиб топган. Жамоа хўжалиги асосан оила пудрати асосида ишлайди. Хўжалик раиси эса ҳар бир оилавий пудрат асосида ишлайдиган бригада аъзолари билан расмий шартнома тузади. Унга ҳуқуқшунослар ҳам жалб этилган. Ҳужжатда икки томоннинг манфаатлари камситилмаган ҳолда барча шартлар аниқ келтирилади. Чунончи, «Хўжаликнинг мажбуриятлари» бўлинмасида шундай дейилади: «Пудратчига бириктирилган экинзор майдони мелиоратив ҳолатини яхшилаш, текислаш ва белгиланган агротехника муддатларида экин экилишини таъминлаш, ҳосилдорликни ошириш учун зарур бўлган миқдорда минерал ва маҳаллий ўғитлар етказиб бериш, агротехник тадбирларни ўтказиш, етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш ва «Хўжалик» омборхонасига ташиш учун зарур бўлган техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш, маҳсулотни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш ва шартнома бўйича тўловларни ўз вақтида

Касаба уюшма ҳаёти

барга ошди. Рентабеллик 41 фоизни ташкил этди.

Хўжаликда мусобақанинг, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг, адолатли иш ҳақи белгилашнинг ўзига хос услублари ишлаб чиқилган. Ўтган йил якунига эътибор берсак оила пудрати аъзолари ҳар ой маош олишдан ташқари 15 минг сўмдан сал кам 300 минг сўмгача қўшимча иш ҳақи олдилар. Масалан, Мухтор Усмонов янгича иш услуллари шарофати билан йил якунида 292 минг сўмдан кўпроқ пул мукофоти олди. Анчайин пудратчи оилалар 100 минг сўмдан кўпроқдан қўшимча ҳақ олишга муваффақ бўлишди. Шунинг учун ҳам мазкур хўжаликда илғорлар тажрибаси тезда оммонинг мулкига айланмоқда.

-Унумли меҳнат ва юқори самара,-дейди хўжалик - завод касаба уюшма қўмитасининг раиси Солихўжа Тошхўжаев, - ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини кўпроқ ижтимоий ҳимоя қилиш имконини яратмоқда. Улар ҳаммаси жамоа шартномасида акс этган. Биз ижроси устидан қатъий назорат ўрнатганмиз.

Жамоа шартномасида хўжалик аъзоларининг ижтимоий ҳимояси юзасидан қатор бандлар белгиланган. Унга мувофиқ ишловчиларни моддий рағбатлантиришга 3 миллион 80 минг сўм, маданий-маиший тадбирларга 1,5 миллион сўмга яқин, жисмоний тарбия ва спорт ишларига 400 минг сўмдан кўпроқ, қурилиш ва хўжалик фаровонлиги ишларига салкам 2,5 миллион сўм, хўжалик аъзоларининг шифохоналарда даволанишлари учун 255 минг сўм ажратилди.

Шартномага мувофиқ меҳнат таътиллари узлуксиз меҳнат стажи, касбикорига қараб берилади. Бир йилдан 3 йилгача меҳнат стажига эга бўлганларга 18 иш куни, саккиз йилдан кўп ишлаганларга 24 иш куни ҳисобида меҳнат таътили берилади. Касб-корига қараб махсус иш кийими ва якка ҳимоя воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилган.

Хўжаликда мавсум вақтларда бўлим, бригада, цехлар, трактор саройи, иссиқ хона ва бошқа бўлинмаларда бепул иссиқ овқат ташкил этилади.

Жамоа шартномасига мувофиқ хўжаликда 2 йилдан кўпроқ ишлаган ва уй-жойга муҳтож кишиларга якка тартибда уй қуриш учун ер участкаси ажратилади.

Хўжалик аъзоларига арзон нархда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, емхашак ажратиш яхши анъанага айланган. Шунингдек, якка тартибда уй қурувчиларга ҳам баҳоли қудрат цемент, темир кувурлар, фанер арзон баҳода берилди.

Ночор, кам таъминланган оилаларга турли хилдаги ёрдамлар берилибди.

Пенсияга чиққанларга хўжалик ҳисобидан ҳар ой энг кам миқдордаги маош бериб борилади. Хўжаликда ижтимоий ҳимоянинг бир тури бўлган спорт-соғломлаштириш, касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга эътибор кучайтирилмоқда. Жамоа хўжалиги ҳузурида стадион бор. Унинг «Соҳибкор» футбол командаси Тошкент вилоятининг II лигасида ўйнамоқда. Каратэ, штанга, енгил атлетика ва бошқа спорт турлари билан ёшлар суйиб шуғулланишмоқда. Стадионда ҳар ҳафтада турли мусобақалар ўтказилади.

Касаба уюшма қўмитаси соғлиғини тиклашга муҳтож бўлганларга республикадаги санаторийларга йўлланмалар ажратмоқда.

Будир ПЎЛАТОВ.

Ахборот

ИШОНЧЛИ ВА ИШЧАН АЛОҚА

Жамоатчилик фикрини шакллантиришда журналистларнинг аҳамияти жуда катта. Оммага ахборотни ҳаққоний қизиқарли ва энг муҳими тезкор етказиб бериш мухбирларнинг бирламчи вазифасидир. Шу маънода ташкилот ва муассасаларда ишлаб турган матбуот котиблари, ахборот маркази раҳбарлари журналистлар билан ишончли ва ишчан алоқаларни ўрнатишлари муҳим ишлардан бири. К.Аденауэр фонди ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази томонидан матбуот котиблари ва журналистлар учун ташкил этган семинарида бу масалалар алоҳида таъкидланди. Германия журналистлар уюшмасининг аъзоси, журналист Герберт Адельт ўз касби доирасидаги иш тажрибаси, ўзи дуч келган муаммолар тўғрисида қизиқарли маълумотлар берди. Германия Федерал ҳукуматининг матбуот котиби Райнхарт Шварцер эса жамоатчилик фикрини шакллантириш, аҳолига тўғри ахборот етказиш услублари тўғрисида батафсил сўзлади.

Семинар қатнашчилари, шунингдек Германияда кунига 200 миллион нусхада чоп этилаётган газета ҳақида ҳикоя қилувчи фильмни томоша қилдилар.

Семинарнинг иккинчи қисмида қатнашчилар матбуот эркинлиги мавзусида баҳс-мунозаралар ўтказиб, фикр алмашдилар.

Нодир АЛИМОВ.

Қуйичирчиқ тумани «Пахтачи» ширкатлар уюшмасининг Ф.Бўрибоев бошлиқ бригада аъзолари 145 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта етиштиришни режалаган.

Суратда: бригада бошлиғи Ф.Бўрибоев (чапдан ўнгга), звено бошлиғи А. Жолдосов ва ишчи Қ.Фозиловлар.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Меҳнат тадбиркорлик билан қўшилганда

«Мурод» хусусий фермер хўжалиги Оққўрғон туманидаги шундай хўжаликлар орасида энг илғори саналади.

- Чорвачиликка ёшлигимдан қизиқаман,- дейди хўжалик раҳбари Йўлдош Дўлонов. - Ишни бундан саккиз йилча илгари бир неча бош қорамол ҳарид қилишдан бошлаган эдим. Президентимизнинг республикада фермер хўжаликлари ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди-ю, ишим юришиб кетди. Йигирма бош қорамол, ўттиз қўй, йилқи олиб, «Маданият» жамоа хўжалигида кичик фермер хўжалиги ташкил этдим. Ижарага ер беришди. Шу орада Исроил давлатида бўлиб тажриба орттириб келдим. Сафардан қайтгач, хўжаликдаги йирик чорвачилик фермасини хусусийлаштирдик. Ўшанда мазкур фермада 309 бош қорамол бўлиб, соғиб олинаётган сут миқдори йилига 1500 литрга аранг етарди. Ҳозирги кунга келиб уларнинг маҳсулдорлиги кескин ошди, маҳсулот етиштириш қарийиб уч баравар кўпайди.

- Бу муваффақиятнинг сири нимада?

- Фермер бўлиш осон эмас. Чорвачиликда меҳнатни тадбиркорлик билан қўшган одамгина ютади. Ферма хусусийлашганидан сўнг аҳвол дарров ўзгариб қолгани йўқ. Аввало қорамоллар наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш учун кўп ишлашга тўғри келди. Ҳамкасблар тажрибасига таяниб, қорамолларни қатъий рацион асосида парваришлашга киришилди. Сигирлар бир кеча-кундузда 30 килограмдан омухта ем, бундан ташқари, лавлаги, беда пичани, биоконцентрат билан озиқлантирилмоқда. Бузоқларни икки ойгача онасидан айирмай парваришлаяпмиз. Бунда аввало бузоқлар соғлом ривожланади, қолаверса сигирларни ийдириб соғсанг, сут ҳам кўпаяди. Хўжалигимиз вилоят ҳокимлигининг қарори билан наслчилик тоифасига лойиқ деб рўйхатга олинди.

- Мўл-кўл маҳсулот етиштиргач, уни кимга ва қандай сотиш муаммоси ҳам пайдо бўлади...

- Мақтаниш эмасу, йилнинг дастлабки чорагини салкам тўрт юз минг сўм соф фойда билан якунладик. Соҳамизнинг нозик томони шундаки, етиштирилаётган маҳсулотни бир кундан ортиқ сақлаб бўлмайди. Шу боис фақат ишончли шериклар билангина иш олиб боряпмиз. Энг муҳими, ўзаро шартномани пухта тузамиз. Ҳозир сутнинг асосий қисми Мудофаа вазирлиги қошидаги «Нур» ишлаб чиқариш бирлашмасига етказиб берилмоқда.

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини диққат билан ўқиб чиқдим. Унда, хусусан, мулкий ҳуқуқимиз давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилаётгани айни муддао. Қонун лойиҳаси тасдиқдан ўтиб, ҳаётга жорий этилса, фермер хўжаликлари фаолияти янада жонланишига ишончим комил. Фақат бизни ташвишлантириб келаётган яна бир масалани ижобий ҳал этиш керак. Бу қишлоқ хўжалик техникаси муаммосидир. Юз гектардан зиёд экин майдонимиз бор. Аммо унга ишлов беришда техника тақчиллиги сезиляпти. Сотиб олиш эса бироз оғирлик қилади. МТПдан бириктириб қўйилган тракторларга узоқ навбат кутишга тўғри келади. Фермер хўжаликларига ҳам лизинг асосида замонавий техника воситалари етказиб бериш йўлга қўйилса, яхши бўларди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

Истеъмолчи манфаати - муқаддас

АРЗОНИГА УЧГАНДА СИФАТИНИ УНУТМАНГ

Бозорда топилмас матоҳнинг ўзи йўқ. Ишбилармону, тадбиркорларга балли ўзларини ўтга, чўғга уриб бўлса ҳам сотувга мол топиб келишяпти. Лекин маҳсулот сифатига қараб эмас балки арзонлигига учиб сифатини унутаётганлари ҳам бор.

Шу ўринда Сирдарё вилоят стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳудудий маркази раҳбари Хасанбек Саидбеков мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

- Мамлакатимизда истеъмол бозорини тўлдириш билан бир пайтда истеъмолчи манфаатини ҳимоялашга ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳукуматимиз томонидан «Озиқ- овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги», «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш» ва бошқа бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши аҳоли хавфсизлигини тўла кафолатлайди. Жамоамиз бу муҳим ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлашга интилиб келаяпти.

Маълумки бир қатор ҳамдўстлик давлатларига Сирдарё воҳаси орқали ўтилади. Ери-ерига туташ Тожикистон ва Қозоғистоннинг кўпгина аҳолиси бозорни Мирзачўлда қилиши ҳеч кимга сир эмас. Текшириш ва кузатишларимиздан маълум бўлишича сифатини йўқотган баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса кишилар саломатлиги учун хавф туғдирувчи спиртли ичимликлар ана шу ҳамсоялар томонидан келтириларкан. Ўтган муддат мобайнида вилоят божхона бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда вилоят ҳудудига келтирилаётган маҳсулотлар сифатини қатъий назоратдан ўтказдик. Текширишда 1920 дона 0,5 литрли шиша идишлардаги 304,7 минг сўмлик ароқ, ҳажми 405 литр умумий қиймати 201,5 минг сўм бўлган этил спирти, 30 дона 0,5 литрлик, нархи 7,5 минг сўмлик «Джуя-роша» вино маҳсулотлари альдегид ва сивуш ёғлари миқдорлари ошиб кетганлиги, спирт даражаси пастлиги кўрсаткичлари бўйича стандарт талабларига жавоб бермади. Агар бу маҳсулотлар бозор юзини кўрганида қанча одамнинг соғлигига путур етган бўларди.

Шу йилнинг 22 феврали куни Ховос станциясида Грузия Республикасидан икки вагонга юклаб олиб келинган жами 400 бочка, ҳажми 94000 литр спирт шўбҳали туюлди. Сифатини текширувдан ўтказдик. Ачинарлиси шуки спирт таркибида киши саломатлигига зарарли сивуш мойи миқдори меъёрдагидан бир мунча ортиқ эканлиги аниқланиб, савдога қўйилади.

Гарчан Мирзачўл бағри кенг, содда дилкаш ва мард кишилар макони бўлсада баъзи-баъзида балои нафсга қул бўлганлар ҳам учраб туради. жумладан Мирзаобод туман «Янги ҳаёт» қўрғонида яшовчи Н.Ҳамидова ҳам кўпроқ пул топиш илинжида қўшни Тожикистон республикасига йўл олади. У нархи арзон, аммо сифатисиз 40 шиша ароқ олиб қайтади. Аммо тезда унинг мўмай даромад ҳақидаги орзулари сароб бўлиб чиқди. Чунки мазкур ичимлик мутлақо яроқсиз эканлиги фош этилди. Оқ олтинлик К.Бозоровдан 100 шиша, Ж.Тўхтабоевдан эса 300 шиша сифат сертификатига эга бўлмаган спиртли ичимликлар соликчилар томонидан мусодара этилди. Истеъмолчи дахлсизлиги синовхоналардан ўтмаган спиртли ичимликларни бизнинг бозорларимизга олиб келаётган кўплаб қўшни давлат фуқаролари таноби тортиб қўйилаяпти. Шундайлардан бири Қозоғистон фуқароси К.Кульбеков 30 шиша, «Джоя рош», 160 шиша «Ер сусыны», 120 шиша «Тараз», 560 шиша «Столичное», 100 шиша «Московская особая водка» ароқларини орқалаб йўлга тушган экан. Аммо унинг сафари ниҳоясига етмасдан армонлари ичида қолди. Шунингдек, Тожикистон фуқароси Х.Комилова ҳам истеъмолга яроқсиз 132 литр спиртли ичимликларни ҳамюртларимизга пуллаш илинжида ҳудудимизга йўл олганди. Бу найрангнинг ҳам пайи қирқилди.

Мутахассисларимиз бозорларни текшириш жараёнида 7 тонна 21 минг сўмлик ош тузида намлик миқдори ошиб кетганлиги ва таркибида механик аралашмалар борлигини аниқлаб сотувни чеклаб қўйдик.

Вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган 1997-2000 йилларга мўлжалланган стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш концепцияси ишлаб чиқилганига ҳам бир йил бўлди.

- Республикамиз Президенти И.Каримов «Узбекистон - ўз янгиланиши ва тараққиёт йўли» китобида «Патентлицензия» тизимини такомиллаштириш, республикадаги фуқаро ва ҳуқуқий шахсларнинг интелектуал мулкларини ҳимоя қилувчи халқаро шартномаларга қўшилиш, халқаро стандартлаштириш ва сертификациялаштириш тизимига пағонама-поғона ўтишга эътиборни қаратган эди. Бизнинг вилоятимизда ҳам ана шу дастурил амалга асосланган ҳолда иш юритилмоқда. Ўтган йили мазкур йўналиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Чунончи «Зилола» кичик корхонасининг замонавий дастгоҳлар билан таъминланиши «Лаззат» кўп тармоқли корхона негизида пиво ишлаб чиқариш, «Лола» тикув фабрикасида Олмония ва Япониядан келтирилган янги дастгоҳлар ўрнатдик. Бу ерларда жаҳон ардозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, юртимизни жаҳонга танитадиган қўшма корхоналар иш бошлаганлиги янада кувончли ҳол албатта. Сайхунобод туманида очилган «Сайхун-Пая» Узбекистон-Эрон қўшма корхонаси 17 турда соус болалар учун томат маҳсулотлари, мева ва сабзавотлардан яхна ичимликлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ҳозирданоқ хорижлик харидорлардан кўплаб буюртмалар тушмоқда. Шу йил ёзида корхона жамоаси 81 миллион сўмлик маҳсулотни экспорт қилишни мўлжаллаб турибди. Ҳудди шундай Россия билан ҳамкорликда ташкил этилган «УзРостовкран» ҳамда «Узгазбалонжихоз»,«Тошкент-каттон» қўшма корхоналари сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, технологик жараёнларни такомиллаштиришга маблағларни аяшмаяпти. Истиқлол туфайли кўрик воҳамизда ўнлаб йирик саноат корхоналари дунё юзини кўрди. Хуллас мақтанса арзигулик ишлар кўп. Лекин сифатсиз маҳсулот билан ўзларини ҳам истеъмолчиларни ҳам қийнаб қўяётганлар йўқ эмас.

Марказимиз томонидан Сирдарё вино заводида ўтказилган текширишда 1800 дона нархи 153 минг сўмлик «Узбекистон ароғи» давлат стандартларига жавоб бермаслиги аниқланди. Вилоят ҳиссадорлик матлубот жамиятлари уюшмасининг Ш.Рашидов номли тумандаги нон ишлаб чиқариш корхонасида 8120 сўмлик 580 дона нон сифати паст деб топилди. Бу корхоналар тегишли тарзда жазога тортилдилар. Биз нафақат давлат ва жамоат корхоналари балки якка тартибда фаолият кўрсатаётган фуқаролик фаолияти устидан ҳам назорат ўрнатишга интилаяпмиз. Масалан, Гулистон шаҳар деҳқон бозорида савдосотиқ билан шуғулланаётган тадбиркор Жумабоевнинг 8 минг сўмлик, Абдулованинг 2 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларига мувофиқлик сертификати йўқлиги учун жавобгарликка тортилди. Тадбиркор Шоимовнинг 14 минг сўмлик маҳсулоти солиқ инспекциясига топширилди. Қисқаси кимки истеъмолчини ишонч мол билан доғда қолдиришга интилар экан, уни тезда жиловлаб қўйишга қурбимиз етади.

- Бозор иқтисоди шароити истеъмолчилардан ниҳоятда зийрак бўлишни талаб этади. Ўрни келганда баъзи маълумотларни таъкидлаб ўтишни истардим. Яъни маҳсулотларга Республика стандарти индекси қисқартирилган ҳолда «УзРСТ» ёзилади. Шу сўздан кейинги мингача бўлган рақамлар, маҳсулотнинг қайд номери охири икки рақами эса таъсис этилган ёки қайта ишлаб чиқарилган йилни билдиради. Шунингдек, бошқа «стандартлар» категориялари ҳам мавжуд. Хуллас, маҳсулотни харид қилишда ана шундай ёзувларига диққатни қаратмоқлик фойдадан ҳоли эмас.

Суҳбатни
«Ишонч» мухбири
Нурилла ШАМСИЕВ
ёзиб олди.

Меҳнат тадбиркорлик билан қўшилганда

«Мурод» хусусий фермер хўжалиги Оққўрғон туманидаги шундай хўжаликлар орасида энг илғори саналади.

- Чорвачиликка ёшлигимдан қизиқаман,- дейди хўжалик раҳбари Йўлдош Дўлонов. - Ишни бундан саккиз йилча илгари бир неча бош қорамол ҳарид қилишдан бошлаган эдим. Президентимизнинг республикада фермер хўжаликлари ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди-ю, ишим юришиб кетди. Йигирма бош қорамол, ўттиз қўй, йилқи олиб, «Маданият» жамоа хўжалигида кичик фермер хўжалиги ташкил этдим. Ижарага ер беришди. Шу орада Исроил давлатида бўлиб тажриба орттириб келдим. Сафардан қайтгач, хўжаликдаги йирик чорвачилик фермасини хусусийлаштирдик. Ўшанда мазкур фермада 309 бош қорамол бўлиб, соғиб олинаётган сут миқдори йилига 1500 литрга аранг етарди. Ҳозирги кунга келиб уларнинг маҳсулдорлиги кескин ошди, маҳсулот етиштириш қарийиб уч баравар кўпайди.

- Бу муваффақиятнинг сири нимада?

- Фермер бўлиш осон эмас. Чорвачиликда меҳнатни тадбиркорлик билан қўшган одамгина ютади. Ферма хусусийлашганидан сўнг аҳвол дарров ўзгариб қолгани йўқ. Аввало қорамоллар наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш учун кўп ишлашга тўғри келди. Ҳамкасблар тажрибасига таяниб, қорамолларни қатъий рацион асосида парваришлашга киришилди. Сигирлар бир кеча-кундузда 30 килограмдан омухта ем, бундан ташқари, лавлаги, беда пичани, биоконцентрат билан озиқлантирилмоқда. Бузоқларни икки ойгача онасидан айирмай парваришлаяпмиз. Бунда аввало бузоқлар соғлом ривожланади, қолаверса сигирларни ийдириб соғсанг, сут ҳам кўпаяди. Хўжалигимиз вилоят ҳокимлигининг қарори билан наслчилик тоифасига лойиқ деб рўйхатга олинди.

- Мўл-кўл маҳсулот етиштиргач, уни кимга ва қандай сотиш муаммоси ҳам пайдо бўлади...

- Мақтаниш эмасу, йилнинг дастлабки чорагини салкам тўрт юз минг сўм соф фойда билан якунладик. Соҳамизнинг нозик томони шундаки, етиштирилаётган маҳсулотни бир кундан ортиқ сақлаб бўлмайди. Шу боис фақат ишончли шериклар билангина иш олиб боряпмиз. Энг муҳими, ўзаро шартномани пухта тузамиз. Ҳозир сутнинг асосий қисми Мудофаа вазирлиги қошидаги «Нур» ишлаб чиқариш бирлашмасига етказиб берилмоқда.

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини диққат билан ўқиб чиқдим. Унда, хусусан, мулкий ҳуқуқимиз давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилаётгани айни муддао. Қонун лойиҳаси тасдиқдан ўтиб, ҳаётга жорий этилса, фермер хўжаликлари фаолияти янада жонланишига ишончим комил. Фақат бизни ташвишлантириб келаётган яна бир масалани ижобий ҳал этиш керак. Бу қишлоқ хўжалик техникаси муаммосидир. Юз гектардан зиёд экин майдонимиз бор. Аммо унга ишлов беришда техника тақчиллиги сезиляпти. Сотиб олиш эса бироз оғирлик қилади. МТПдан бириктириб қўйилган тракторларга узоқ навбат кутишга тўғри келади. Фермер хўжаликларига ҳам лизинг асосида замонавий техника воситалари етказиб бериш йўлга қўйилса, яхши бўларди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

1998 йил — Оила йили

Етти қават осмонда - етти қароқчи юлдузи - посбон, етти қават ер устида - етти иқлим - пойдор. Уларнинг меҳварида - осмонда - Қутб юлдузи, яъни, Олтин Қозиқ, ерда - Одам алайҳиссаломнинг зурриёдлари, яъни, бани башар...

ОТАУЛИ

Одамийлик сабоқлари

ЕТТИ ҚАВАТ ТЎН

Маълумки, Одам боласи Оилада яшайди. Оила эса, шунинг учун ҳам муқаддас саналадики, уни ҳам ўзига хос етти посбон, етти иқлим, етти парда ўраб-чирмаб, балолардан асраб, ҳимоялаб-эъзозлаб туради ва у кўпинча оддийгина бир жуфт сўз билан «пушти-палак» деб аталади. «Пушти-палак» нима? Биламизки, «палак» сўзи «сўзана» ва «бир тун полиз экини» маъноларида қўлланади. «Палаги тоза» деймиз. Мазкур иборада аввало сўзананинг каштали пишиқ тикилган асл моллиги-ю полиз экининг туп қўйиб палак ёзгани соғлом-бақувват эканлиги назарда тутилади. «Палак» сўзи «пушт» сўзи билан жуфтлашиб, янада ажиброқ манзара, пурмаъно-пурҳикмат моҳият касб этади. «Пушти-палак» муайян оиланигина эмас, уни қуршаб турган қариндош — уруғлар муҳитидан иборат «етти қават парда»ни ҳам билдиради.

Етти ёшдан етмиш ёшга қадар ҳамма беш қўлдек биладики, ота-она билан фарзандлар оилани ташкил этади. Энг яқин қариндошлар - ака-укалар ва опа-сингиллар, опа-укалар ва ака-сингиллар - ўша оиланинг ичидадир. Тўлақонли ўзбек оиласи ана ўша энг яқин қариндошларнинг жамулжамидир. Фақат ота ва ё фақат она билан ёлғиз ўғил, ҳатто ўғил билан қиздан иборат оила ҳам тўлақонли ўзбек оиласи бўлолмайди, чунки бундай оилада «тўрт кўз тугал» бўлмайди.

Муайян оилада яшаб турган «палаги тоза» одам боласининг тўрт томонига яна олти бўғиндан иборат пушти-палак кенг қулоч ёзган бўлади. Отанинг ота-бобоси, уларнинг ҳам отаси, хуллас, етти отаси - аждоди - ўтмишга, боланинг боласи, яъни, невараси, унинг ҳам боласи эвараси, чевараси, дувараси, хуллас, етти боласи - авлоди - келажакка йўналган бўлса, замон ва маконнинг ўнгига ўнг қўлдек ота авлоди, чапига сўнг қўлдек она авлоди қулоч ёзган бўлади. Отанинг ака-укалари, амаки, опа-сингиллари - амма деб юритилади. Онанинг ака-укалари - тоға, опа-сингиллари эса, хола деб аталади. Ана ундан кейин амакиваччалар, аммаваччалар, тоғаваччалар, холаваччалар, бўлалар, шулар каби уч, тўрт, беш, олти қорин айланган қариндош-уруғлар давраси келади. Буларга келинлар, куёвлар, кеннойилар, поччалар,қайинука ва қайнисингиллар, қўйинг-чи, қуда-анда авлодлари ўз-ўзидан келиб қўшилади. «Қудачилик - минг йиллик» дейди донишманд халқимиз ўзининг қадимий мақолларидан бирида. Дарҳақиқат, шундай. Қуда-андачилик ришталари ҳар икки томоннинг ҳар тўрт томонга - ўтмишга, келажакка, маконга ва замонга йўналган минг йиллик пушти-палагини ўзаро боғлайди.

Бу ўринда кўпчиликка аён бўлган оддийгина ҳақиқатларни танга топган афандидек алоҳида кўзкўзлашимиздан асосий мақсад шундаки, мустабид шўро тузуми талайгина ибратли, пири бадавлат, тўлақонли ўзбек оилаларини оққушнинг юлинган патларидек тўзғитиб, не-не палаги тоза аслзодаларнинг пушти-палагини қуритиб, уруғ-аймоғини ўтдек куйдириб юборди. Ҳаттоки энг яқин қариндошларни ҳам қозилаштириб, жиянни тоғага, укани акага, болани отага аввало синфий, қолаверса, оддийгина душманга айлантириб қўйди. Натижада неча минг йиллардан буён «қозилашган қариндош бўлмас» деб келган ўзбек ўзининг аждодларини ҳам, авлодларини ҳам, ота-она авлодларини ҳам, қуда-анда авлодларини ҳам унутишга маҳкум этилди. Ҳаттоки ўз отасини ҳам, боласини ҳам тузук-қуруқ танийвермайдиган оқпадарлар, кўкмодарлар, ҳаромилар, ўзининг асли-наслини унутган хотирасиз кимсалар, буюк адибимиз Чингиз Айтматов ташбеҳи билан айтганда, «манқуртлар» тоифаси сунъий равишда яратилиб, наинки яратилиб, жамиятнинг бошига чиқариб қўйилди...

Не бахтки, мустақиллигимизнинг шарофати билан қадимий ўзлигимизга қайтиб, ўзлигимизни таниб, ўйилган ўзагимизни даволаб-тузаб, асли-наслимизни билиб, пушти-палагимизни англаб бошладик. «Ҳар қандай дарднинг давоси сабр билан вақт, сув ҳам етти думаласа ҳалол бўлади» дейди кўпни кўрган халқимиз. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг еттинчи йилидаги шоири Расул Ҳамзатов ўзининг машҳур «Доғистоним» асарида келтирган бир ҳикматли гап ёдингиздадир: «Тарвуз сўйсанг эҳтиёт бўлиб сўй, ичидан лак чиқиб қолмасин». Бор-йўғи бир неча минг нуфузга эга лак халқи ер юзига шу қадар кенг тарқалган эканки, Доғистонда ҳатто у тарвузнинг ичига ҳам кириб олган бўлиши мумкин деб қаралар экан. Холбуки лак халқи кўхна ер сатҳига бўлак-бўлак, лак-лак бўлиб кенг тарқалган қадим туркий халқларнинг бири, биттасигина холос. Шу боис бўлса керак, бизнинг Туркистонимизда «уруғи тошлоққа ёйилган» деган бир қадим туркий ибора сақланиб қолган. Ҳар қандай экиннинг ҳар қандай уруғи ҳам тошлоқда ўсиб-унмаслиги маълум. Лекин қадимий ўзанда қайта оқиб бошлаган ҳаётбахш сув бу тошлоқдаги уруғларни ҳосилдор ерларга оқизиб кетиши мумкинки, ана ўшанда тошни ҳам писанд қилмайдиган бўлиқ уруғларни-нг ўсиб-унишини кўринг! Замонлар оқими барча туркий халқлар, шу жумладан, биз ўзбекларни ҳам кўхна ер юзининг кўпгина минтақаларига, Ҳиндистонга, Арабистонга, Европага, Америкага, бошқа мамлакатлар ва қитъаларга озмунча оқизиб кетмадилар. Бугунги кунда ҳеч нимадан ҳайиқмай фахрланиб айта оламизки, улар бу мамлакатлар ва минтақаларда ҳам ўзларининг нималарга қодирлигини жаҳон аҳлига амалда кўрсата олдилар.

Сирасини айтганда, одам боласининг ўзи каби, бутун бошли халқнинг қанчалик палаги тоза, аслинасли бардам-бақувват, ўзаги мустаҳкам, бардошли чексиз, қўли гул, қалби дарё бўлса, тошда ҳам гул ундира олар экан! Муаззам Тошкентимизнинг Халқлар Дўстлиги майдонида тош ҳайкалларга айланган меҳри дарё ва етимпарвар ўзбек оиласи, «халқ тимсоли, ўзбек тимсоли» бўлмиш буюк шоиримиз Ғафур Ғуломнинг етимпарварлиги, булар каби тошда ҳам ундирилган гулларни ҳар қанча фахрланиб тилга олса, жумладан, «тошдаги достон» дея таърифласа арзигуликдир. Мен бу ўринда ўзим ўсиб-улғайган оилада ўзим шахсан гувоҳ бўлган айрим ибратли ҳодисалар хусусидаги анчагина олис, лекин ёркин хотираларимни тилга кўчиришга жазм этмоқчиман.

Бундан ўттиз беш йилча аввал - камина ўрта мактабда ўқиб юрган кезларда оиламиздаги саккиз ака-ука-ю, опа-сингил кутилмаганда яна бир акалик бўлиб қолдик: отамиз балоғат ёшида шир етим қолган узоқ бир қариндошимизнинг «Иброҳим» деган ўғлини асраб-боқиб олди. Тез орада уйлантирди, уй қуриб бўлак чиқарди. Бу орада тўққизинчи фарзанд, кенжа укамиз Ориф туғилди. Лекин тўнғич фарзанд Ҳакимжон акамни уйлантириб улгурмай туриб, падари бузрукворимиз Эгамберди Отаевнинг ўзлари бевақт қазо қилдилар. Ана энди тасаввур қилинг: етти ака-ука, икки опа-сингил - жами тўққиз жон уй бекаси онамиз Манзура Абдужаббороването қўлларида боқувчисиз, яъни, ишловчисиз қолдик. Акам ҳарбий хизматда, Анвар опам билан мен - ҳали ўнинчи синф ўқувчиси, укаларим эса, яна-да ёшроқ. Акамизни уйлантириб бўлак чиқариш ниятида қуриб бошланган янги уйнинг тўрт девори тикланиб, томи ёпилган, холос... Лекин бу оламда қариндош-уруғлар бор экан, қариндош-уруғлар қалбида меҳр-мурувват, меҳр-саховат, меҳр-шафқат, меҳр-оқибат ҳислари бор экан, қолаверса, бу қайтар дунёда эртадир-кечдир яхшиликка яхшилик қайтмай қолмас экан, оила ўчоғи ҳам, унинг кўр-кути ҳам ўчмайди! Бор-йўғи бир-икки йилнинг нари-берисида боқувчисиз ўн жон нафақат яшадик, балки айни чоғда чала уйни қуриб битирдик, акам уйланиб ўша янги уйга ўтди, опам турмушга чиқди, мен Тошкентга келиб, ҳам кечки ўқишга, ҳам қурилишга ишга кирдим. Чунки қўли гул уста Тожиддин тоғам чала қолган уйнинг полини қоқди, яна бир қўли гул уста Абдурашид тоғам бу янги уйга чиройли эшик-дераза-ларни ўрнатди. Абдурайим тоғам, Иброҳим акам, Тўймат акам, Ирисбой акам, бошқа қариндош-уруғларим ҳам қараб турмадилар. Чунончи, Иброҳим акам китоб билан нонга лиқ тўла каттакон жомадонни кўтариб Тошкентга ўқишга отланган каминанинг чўнтагига бир дастa пулни «киши билмас» солиб қўйди. Ана шундан кейин «ўқиб одам бўлмай», ўқиганда ҳам яхши ўқимай кўринг-чи!..

Ҳа, азиз дўстлар, ўттиз йилдан кўпроқ вақт мобайнида муттасил ўқиб-ўқиб, донишмандликда беназир халқимиз кўп такрорлайдиган бир кўхна ҳақиқатни яхшигина англаб етгандекман: дарҳақиқат, бу оламда одам боласидан меҳр қолар, муҳаббат қолар, мурувват қолар, оқибат қолар, яхшилик - яхши от қолар экан! Бугун ўша қариндошларимнинг мухтож пайтимизда биз томонга чўзилган мадад қўллари, бизнинг оиламизга қилган яхшиликлари ўз пайтида раҳматли отамиз қилган яхшиликларнинг жавобигина эмас, биз етимларнинг мурғак кўнгилларимизга экилган яхшилик уруғлари ҳам эканини тузуккина тушуниб турибман. Лекин, начора, қаламкашнинг яхши сўздан, дейлик, «Биздан қайтмаса Худодан қайтсин» қабилидаги сидқидил тилагидан ортиқроқ сўзи йўқ!

Ҳикматга бой халқимизнинг «етти қават тўн кийдирди» деган яна бир пурмаъно ибораси бор - биласиз. Бу иборада муболаға йўқ. Тасаввур қилинг: умрини яхшилик билан кечирган бир одам табаррук ёшга тўлганида бу қайтар дунёда барча яхшилар уст-устига тўн кийдираверганидан кейин... етти қават эмас, етмиш қават ҳам бўлиши мумкин-да, шундай эмасми? Мазкур мақоладан муродимиз эса, «пушти-палак» деган бир жуфт сўзга етти қават тўн кийдириш, холос...

Билиб қўйганингиз яхши

УЙ БЕКАЛАРИГА

*** Уй ишларини бажараётганингизда қўлингиздаги заргарлик буюмларини ечиб қўйинг. Акс ҳолда улар тирналиб кетиши, ўз ялтироқлигини йўқотиши мумкин.**

* Кўзига табиий ёки сунъий тош қўйилган тилла безакларни кир босса, уларни нашатир спирти қўшилган (1 стакан сувга 6 томчи) мағзавада ювинг, сўнг тоза сувда чайиб, юмшоқ газлама билан артинг.

*** Ўсимлик ёғи солинган шиша идишнинг устбошини доим ёғ босган бўлади. Ёғни ишлатганингиздан кейин шиша идиш устига албатта бир-икки томчи ёғ оқади. Стол устида доғ, қўлларда мой пайдо бўлиши шундан. Шунинг учун оддий губка (мочалка ёки сочиқ ўрнида ишлатиладиган юмшоқ буюм)дан кичкина парча кесиб олинг. Шишани яхшилаб артинг, ҳалиги губка парчасини идишнинг бўғзига киядириб қўйинг, шундан сўнг қўлларингиз доим тоза бўлади.**

* Бирон овқатингиз ёки сут қозондан тошиб кетиб, кейин куюк ҳиди келмаслиги учун конфорка устига туз сепилади, туз устига эса сирка сачратилади.

*** Нарсаларни сиздириб ўтказиш учун банка оғзига докани маҳкамлаб қўйишга елим (полиэтилен) қопқоқдан фойдаланиш керак. Қопқоқнинг ўртасини каттароқ қилиб тешиб, уни дока устидан банка оғзига кийдиринг.**

* Агар дастлабки ишлатиш олдидан супургини қайноқ совунли сув- мағзавада яхшилаб чайиб ҳўллаб олсангиз, у сизга узоқ вақт хизмат қилади.

Тўпловчи О.АБДУРАИМОВ.

Автоҳаваскорлар диққатига

БЕМИННАТ ДАСТЁР

Американинг «Моторола» фирмаси яратган мосламани ана шундай атасак, хато қилмаймиз. Аслида «Криэйтлинк» деб аталган бу ўзига хос янгилик автомашиналарни узоқдан туриб бошқаради. Унинг ёрдами билан нарида туриб автомобил чироқларини ўчириб-ёндириш, эшикларини очиб-ёпиш мумкин. Энг муҳими шундаки, агар машинани қаерга қўйганингизни унутган бўлсангиз, «Криэйтлинк» уни сизга топиб беради. Бундай беминнат дастёр бор-йўғи 100 доллар туради.

ОИЛА даврасида

Тест

СОВҒАНГ ЭМАС, СЕВГИНГ ҚАДРЛИДИР

Совға олишни яхши кўрмайдиган одамни топиш қийиндир. Лекин совға билан яқин одамларини, дўстларини, хурсанд қилиш ҳам кишига бир олам қувонч келтиради. Бунда совғанинг нархи, қимматлиги эмас балки шу кишига бўлган ҳурмат қадрлидир.

Совғани олаётган одамингизнинг дидини яхши билганингизда танлаш осон бўлади. Шу билан бирга совға бизнинг ўзимизни дидимизни ҳам кўрсатади. Фақат дидимизнигина эмас балки характеримизни ҳам маълум хусусиятларини очиб беради. Буни психологлар тасдиқлайди. Буни текшириб кўришни хоҳлайсизми ва шу билан бирга ўзингизни яна бир марта текшириб кўришингизга имконият яратилади. У ҳолда қуйидаги тест саволларига жавоб бериб, балларни ҳисоблаб ўз фикрингизни таққослаб кўринг.

1.Совғага катта маъно берасизми?
Ҳа - 5 балл
ҳар доим эмас - 4 балл
йўқ - 3 балл.

2. Совға олишдан олдин кўп ўйлайсизми?
Ҳа - 5 балл
Ҳар доим эмас - 4 балл
Йўқ - 3 балл.

3. Совғани маълум бир тахминий келишувга асосан беришни маъқул кўрасизми?
Ҳа - 5 балл
Гоҳида - 4 балл
Ҳар доим - 3 балл

4. Сиз қилаётган совғани амалиётда синалган бўлиши керак деб ҳисоблайсизми?
Ҳа - 3 балл
Гоҳида - 4 балл
Йўқ - 3 балл

5. Кўпгина майда нарсадан кўра каттароқ нарса совға қилган яхши деган фикрга амал қиласизми?
Ҳа - 5 балл
Гоҳида - 4 балл
Йўқ - 3 балл.

6. Совға сизни эслатиб туришига ҳаракат қиласизми?
Ҳа - 3 балл
Ҳар доим эмас - 4 балл
Йўқ- 5 балл.

7. Совғани танлашда унинг нархи ва сифатини асосий деб ҳисоблайсизми?
Ҳа- 3 балл
Айрим ҳолларда - 4 балл
Йўқ - 5 балл.

8. Совға қилишни шароит талаб қилади, деб ўйлайсизми?
Ҳа - 3 балл
Йўқ- 5 балл
Шароитга боғлиқ - 4 балл.

9. Совғани кейинчалик ўзингизга керак бўлиб қолишини ҳисобга олиб танлаган ҳоллар ҳам бўладими?
Ҳа - 3 балл
Гоҳида - 4 балл
Йўқ - 5 балл.

10. Сиз кичик совғалар дўстликни сақлаб туради, катта совғалар эса одамни - ҳар доим бирор ишга мажбурлайди, деган фикрга қўшиласизми?
Ҳа - 3 балл
Буни эътиборга олмайман - 4 балл
Йўқ - 5 балл.

Жавобларингизнинг қайси аҳидага тўғри келишини кейинги «Оила давраси» саҳифасида ўқийсиз.

Ф.АБДУРАҲМОНОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

Алий НАЗИМО

Фақат қизлар ўқисин

ЗИЙНАТ, КИЙИНУВ, ЯСАН-ТУСАН

Бизларни ҳайрон қолдира турган бир нарса бордирки, у ҳам бўлса аёлларнинг ясан-тусанга чексиз майл қилувлари, кийинувга керагидан ортиқ тиришувларидир. Бу айб эгаси бўлган хотун охири хатарли натижа келтирур. Оқибатда ақлга мувофиқ бўлмаган ҳаракатлар қилувига юртнинг хароб бўлувига сабаб бўлур. Дўстлар ҳайронликда, ота-она умидсизликда қолур. Юртнинг хароб бўлувчи сабабини оила онасидан сўрангиз. Бу тўғрида сизга жавоб бера олгувчи ёлғиз ўгинадир. Юртнинг хароб бўлувига унинг башанг кийинувга одатдан ташқари мубтало бўлувчидан бошқа ҳеч бир сабаб йўқдир. Бировнинг устида янги услубда бир кийим кўрдими, ундан ўзига тиктирмай ҳеч тура олмас. Дўконда бир яхши мато борлигини эшитдими, қандай қилиб бўлса ҳам бориб ундан ўзига бир кийимлик олмасдан кўнгли роҳат топмас. Шунинг учун эрининг топган акчаси хотуннинг бузуқ орзуларига хизмат этмакдан бошқа бир нарсага фойдаси тегмас. Қайси хотунлар учун лентадан қандай сувратда бант ясалиши, қўйлакнинг қандай тусда бўлажаги ёки бошу соч зийнатларининг қандай равишда қўйилажаги энг керакли бир иш ҳукмида тутилмакда бўлиб, турмушларининг кўпроқ қисми бир неча фойдасиз ва керакмас нарсалар ила йўқолмакда бўлганини кўриб ўйланса, одам бир қаттиқ қайғуришдан ўзини тута олмас. Агар хотунлар устларида қимматли бир неча зийнатлар билан ҳар кимни ўзларига ҳайрон қилишга тиришиш фикрига тушсалар, эс оғарлик бир сувратда алданган бўлурлар. Агар бошларига тақкан патлари чиройли бўлса, агар кийимларининг бичими келишган бўлса, ҳайрон бўлув тўппа-тўғри ул патни ўстирган қушча, ул кийимларни тиккан тикувчи хотунга қаратиладир. Четдагиларга кўркам кўриниш учун мода ва кийинув балосига гирифтор бўлишни ўзларига лозим деб ўйлаган хотунлар фикрлари йўқлиги учун ғоят бир ёмон далил кўрсатган бўлурлар. Сизга зарар келтиришдан ва сизни халқнинг ёмон ҳаёлларига туширувдан бошқа ҳеч бир фойдаси кўринмаган, ҳолингиз, ўзингиз ва кучингиз етганидан ортиқ такаллуфли кийинишга ҳеч қизиқмасангиз, ҳар кимнинг яхши фикрини қозониб, ўзингизнинг қадрингизни сақлаган бўлурсиз. Кийим тўғрисида шу йўлдан йироқлашмаслик керак. Ёшига, ўрнига ва ҳолига келишарлик бир сувратда кийинмак, бир зийрак хотун бутун халққа кулгу бўлмай, чегарадан ташқари, хусусан, ҳамма жинсдошларидан юқори туришга ҳаракат қилмай, имкон етарлик кийимга қаноатланур, онгли ва биликли хотуннинг онглилигининг аломати, кийимларнинг келишимлик ва такаллуфсизини сайлай билувидан ибратдирки, бу ҳеч бир вақт гўзаллик ва ясан-тусанувни четга ташламас. Хотунга келганда шуни ҳам сўзлай, оқшом вақтида расм бўлган кийимлар кийишни ва кундузлари сочлари ёйилган, кўйлаклари йиртиқ, сўкилган бўлиб, кўпинча тунги кийимлар ила юритувни одат қилган хотунларнинг ҳам оз бўлмагани эшитилмакдадир. Бу ҳам жуда зўр бир айбдир. (Оқшомлари театр каби ўринларга бориш учун расм бўлган кийимлар кийиш турк хонимларига хос бўлиб, бизда бунинг ўрнига мажлисларга борганда ташландиқ кийимларимизни кийиб, фозил муҳтарам муҳаррир Ризоуддин жаноблари айтганича, эрларимиз ёнида мўри тозаловчилар каби юриш одатдир). Ёш қизларнинг эрталаб каравотларидан турар-турмас сочларини тараб тузатувга ва кундуз учун устларида бежирим, йиртиғу сўкиксиз, фақат сўнгги даражада пок, уйда кия турган кийимларини кийишга одатланувлари лозим бўладур.

«ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИ» китоби асосида тайёрланди.

Болаларингиз билан бирга ўқинг

Oqilona maslahat

(hikoyat)

Ibn Sino yetuk hakim bo'lib yetishibdi.

Otasi o'g'liga nasihat qilibdi:

- Bolam, endi siz podsho saroyidagi davlat bilan kifoyalanmang. O'zingiz ham bir qishloq, shaharda saroy quring. Shu saroyda insonlarni davolang.

O'g'li "Xo'p" debdi-yu: "Buncha ko'p saroyni qanday qurish kerak," deb o'ylab qolibdi. Bu savolga javob topish kerak. Ibn Sino bir mo'ysafiddan maslahat so'rabdi.

Mo'ysafid hakim yigitga juda oqilona maslahat beribdi:

- Siz shahringizga keluvchi har bir sayohatchi bilan uchrashing. Ular bilan tanishing, do'stlashing, ular bilan bordi-keldi qiling, siz ularning yurtida borganingizda ularning uylari sizning saroyingiz bo'lib qoladi. O'sha yurtdagi bemorlar sizning marhamatingizdan bahramand bo'ladilar.

Ibn Sino dono maslahatga amal qilib, do'sti ko'p odam doimo sog'lom bo'ladi degan xulosaga kelgan ekanlar.

Alisher YULDASHEV
tayyorladi.

Mehmon keldi

Ra'no uyda biror ish qilish kerak bo'lsa, oyisining buyruq'ini kutub turmay bajaraverar ekan. Bir kuni u ertalab turib tushini aytibdi:

- Oyi-chi, oyi, bugun yaxshi tush ko'rdim, tushimda menga yo'l - yo'l chit ko'ylak olib kelganmishsiz.

- Yaxshi tush ko'ribsan, - debdi oyisi. Demak uyimizga mehmon kelar ekan.

Bu gapni eshitgan Ra'no oyisi bilan dadasi ishga ketganidan keyin uylarni, hovlini supurib, hamma yog'ni chinniday qilib qo'yibdi. Ammo o'sha kuni hech qanday mehmon kelmabdi-u, kechqurun oyisi Ra'noga xuddi tushida ko'rganiday ko'ylak olib kelibdi.

Bir kuni ertalab choy ichib o'tirishganida Ra'no oyisiga ikki burda nonni ko'rsatibdi. Ularning ikkovi ham tishlangan ekan.

- Qarang, oyi bilmasdan ikkita non tishlab qo'yibman.

- Demak mehmon kelar ekan-da debdi oyisi.

Bu gapdan Ra'no xursand bo'libdi. Oyisi bilan dadasi ishga ketganidan keyin uylarni yig'ishtiribdi, hovliga suy sepib supuribdi. Ammo yana o'sha kunni mehmon kelmabdi.

Yana bir kuni ertalab choy ichib o'tirishganida oyisiga choy quyilgan piyolasini ko'rsatibdi.

- Buni qarang, oyi, debdi Ra'no.

- Choyimda bitta cho'p tippa-tik turibdi.

- Yaxshi, - debdi oyisi. - Demak, mehmon kelar ekan-da.

Ra'no bu gapdan xursand bo'libdi. Oyisi bilan dadasi ishga ketishganida uylarni, hovlini, hatto ko'chani ham supurib, tozalabdi, tovoq - qoshiqlarni yuvibdi, stolga dasturxon yozib, har xil non, shirinlik va mevalarni terib qo'yibdi. Keyin ko'cha eshigini ochib qo'yib, ostonada mehmonlarning kelishini kutibdi, ammo bu gal ham hech qanday mehmon kelmabdi. Ra'no xo'rsinib, uyga kirib ketibdi.

Shu - shu Ra'no mehmon kelib qolar deb har kuni ham hammayoqni tozalab, ozoda qilib qo'yadigan bo'libdi. U qo'lida ushlab turgan biror narsasi yerga tushib ketsa ham daraxtda zag'izg'on sayrab qolsa ham, mehmon keladi deb suyunadigan bo'libdi. Bir kuni o'rikning uchida zag'irgon sayrabdi. Ra'no yugirib ko'chaga chiqibdi. Shu payt:

- Mana, mehmon bo'lib kelyapmiz, - degan ovoz eshitilibdi.

Ra'no qarasa, buvisi bilan xolasi ko'chaning narigi tomonidan o'tishayotgan ekan. Ra'no yugirib ularning oldiga boribdi. Ular quchoqlashib ko'rishibdilar. Uyga kirgach hamma yo'q toza va ozoda ekanligini ko'rib, sevinib Ra'noni rosa maqtashibdi.

Sadoqat FAYZIEVA
tayyorladi.

Ибратли ҳикоятлар

МАҚСАД ЧИЗИҒИ

Ҳазрат ибн Масъуд (Р.А) дебдулар: Бир куни Расули акром саҳобалар билан суҳбат қуриб ўтирган эдилар. Улар бир мураббa чизиқ чиздиларки, ташқарига чиқиб кетди. Кейин бир мунча майда-майда чизиқлар ўртадаги чизиққа қаратиб чиздилар. Кейин дедилар: Мана бу шакл ўртасидаги чизиқ инсондур. Тўрт тарафидаги чизиқлар анинг ажалидур. Ҳамма тарафдан ўраб олибдур ва бу шаклдан ташқарига чиқиб кетган чизиқ анинг орзу-умидларидурки, ўзи ўлса ҳам орзу-умидлари тугамайдур. Майда-майда нуқталар эса инсоннинг бошига келадурган ҳодисалардурки, биридан қутулса, бирига тутилур. Охир бири сабаб бўлуб, дунёдан сафар қилур. Қилғон умидлари ва орзулари тамом бўлмас, нотамом қолиб кетур.

ОЧКЎЗЛИК

Қадим замонда Қурия мамлакатида бир табиб бўлган экан. У ўз ишига жуда моҳир бўлиб, лекин жуда очкўз экан. Бир куни бир аёл бетоб боласини табибнинг қошига олиб келиб, уни даволашини сўрабди. Табиб дарҳол ишга тушиб, доривор ўсимликлардан дори тайёрлабди. Тайёрлаган дорисини болага ичирибди. Қолган дорини эса онасига бериб, кунига икки марта ичириб туришини тайинлабди. Боланинг онаси табибга раҳмат айтиб, қўлидаги ипакли халтачани узатибди. Халтачани узатаётиб, халтани ўзи тайёрлаганини айтибди ва марҳамат қилиб уни қабул қилишини сўрабди. Табибнинг жаҳли чиқиб, аёлга дебди: - Мен ишимга ҳар доим нақд пул оламан, нарса-буюм олмайман. Аёл эса ич-ичидан афсусланибди ва табибнинг ёмон феълини сезибди. У табибга қараб:- Қанча сўрайсиз? - дебди. Табиб очкўзлик қилиб ўн иен дебди. Шу пайт аёл халтачадан йигирма иенни олиб, ундан ўнтасини ажратибди. Табибга ўн иенни бериб, қолганини ўзи ясаган халтачага солиб қўйибди. Табиб пулни олаётиб, кўзи халтачадаги қолган пулларга тушибди. Кўпроқ сўрамаганидан афсусланибди. Аёл кетгач, халтачани олдинига рози бўлиб олмагани, шу ерда унга очкўзлиги панд бериб қўйганига тушуниб етибди.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ,
Тоҳир АБДУРАҲМОНОВлар тайёрлади.

Машриқзамин дарғалари

Жалилов Омонбек Ҳусайнбек ўғли

ЗАМАХШАРИЙ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДА

Аллома Жоруллоҳ Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий 1074 йили Хоразмнинг Замахшар қишлоғида ўқимишли оилада туғилган. Дастлабки таълимни отасидан олган. Сўнгра Урганч мадрасаларининг бирида ўқийди. Замонасининг энг кучли тилшунос олими Абу Музар Исфихонийнинг моддий ва маънавий ёрдамида унинг ишини давом эттирувчиси бўлиб етишади.

Бухорода Абу Мансур Наср Хорисий, Абу Саъд Шаққоний ва Абул Ҳайтоб ибн Абуботирлардан дарс олади. Ўз илмини ошириш мақсадида Хуросон, Ифахонларда бўлади. Салжуқийлар саройларида хизматда бўлади. Сўнгра Хоразмга қайтиб келиб, бироз замондан кейин Боғдод ва Маккага бориб яшайди. Маккайи мукаррамада мужовир - танхо узоқ турғун бўлиб юргани учун «Жоруллоҳ» тахаллусини олган. У Шом ва Дамашқда ҳам бўлган. Саёҳатда юрганида битта оёғини совуққа олдириб - музлатиб қўйиб чўлоқ-оқсоқ бўлиб қолган. Ҳижрий 538 / 1144 йили Журжон - Урганчда вафот этган ва шу ерга дафн этилган.

Замахшарий ўзбек халқининг буюк арабшунос, файласуф, тилшунос олими, ёзувчи ва шоири бўлиб, тилшунослик, адабиётшунослик, тафсир, ҳадис, фиқҳ, қироат илмига оид 50 дан кўп асарнинг муаллифидир.

Замахшарий асосий ижодини араб тили грамматикаси ва араб адабиётига бағишлайди.

У Қуръони Карим тафсирига бағишланган машҳур «Ал-кашшоф» («Ошкор қилувчи») асарини Маккада тугатган. Замахшарий «Асос ул-балаға» («Балоғат асослари»), «Ал-фоиқ фи ғариб ал-ҳадис» («Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар») «Китобу асмо ил-адвия вал жабол» («Даво ва тоғ исмлари ҳақида китоб»), «Муқаддамат ул-адаб» («Адабиётга кириш»),«Ал-муҳажот бил масоил ан-наҳвия ав ал-аҳажий аннаҳвия»)(«грамматик масалаларга оид жумбоқлар»),«Самийм ал-арабия» («Араб тилининг негизи»),«Фоиқ ал-луғот» («энг яхши луғотлар»),«Ал-муфассал фи санъат ал-иъраб» («Флексия санъати ҳақида муфассал китоб» «Тасарруфот»,«Ҳаракат ул-эъроб»,«Ал-унмузаж фи-н-наҳви» («Грамматик намуналар ҳақида») «Атвоқ уз-заҳаб»,(«Олтин халқалар»),«Навобиғ ул-калим» («Нозик иборалар») каби асарларнинг муаллифидир.

Замахшарий «Дийван ут-тамсийл»(«Ассимиляция ҳақида девон»),«Дийван ур-расоил» («Мактублар ҳақида деван») ва «Дийван ушшеър» («Шеърий девон») каби лирик ва фалсафий шеър, қасида, фахрия, марсия, назмий мактубларни ўз ичига олган араб тилида тузган девони ва «Робий ул-аброр ва нусус-ул ахёр» («Тақводорлар баҳори ва фозиллар ахбори») бадиий асарлари билан ҳам машҳур.

Замахшарий кўплаб шогирдлар етиштирган. Уларнинг машҳурларидан «Фахр ул-машойих» лақабли Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Хоразмий Муҳаммад ибн Абул Қосим ибн Бойчук ал-Баққомий ал-Хоразмий, Абу Юсуф Еқуб ибн Али ал-Жандалий, Абул Маҳосин Абдураҳим ибн Абдуллоҳ ал-Баззор, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий яъни Рашидуддин ал-Ватвот кабиларни санаб ўтишимиз мумкин. Замонасининг алломалари унинг тенги йўқ олимлигини тан олишган. Шунинг учун Замахшарий Шарқда «Фахри Хоразм»,«Мутоз ул-араб ва ал-ажам» («Араблар ва араб бўлмаган барча халқларнинг устози») деган унвонга мушарраф бўлган.

Ғарб ва Шарқ олимлари Замахшарий ҳаёт давриданоқ унинг ижодига зўр қизиқиш билан қараб ўрганишга бошлаганлар, айрим асарлари форс ва туркий, инглиз, француз, немис, ҳинд тилларига таржима қилиниб нашр этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Замахшарийнинг Миср, Макка, Истанбул, Қозон, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Калкутта, Теҳрон, Дамашқ, Лакнов, Лоҳурда ёзилган ва босилган 80 дан кўп қўлёзма ва 50 дан кўп нусха босма асарлари сақланмоқда.

Қўлёзма асарларининг энг аввалгиси 1124 йили Маккада энг кейингиси 1420 йилларда кўчирилган.

Босма китоблардан энг эскиси 1647 йил энг яқингиси 1963 йили чоп этилган.

Замахшарийнинг асарлари Шарқий Туркистон, яъни ҳозир Хитой Халқ Жумҳурияти Шинжонг Мухтор ўлкасида кенг тарқалган. Бизнинг институтимизда олимнинг «Муқаддимат ул-адаб» асарининг 1311 йили Ҳамид ибн Рашид ибн Тожиддин Қошғарий томонидан кўчирилган нусхаси сақланмоқда.

Шарқий Туркистон халқи айниқса олимларининг Қуръони Карим тафсири, ислом фалсафаси, араб тили грамматикаси ва луғатчиликни ўрганишда Замахшарий асарлари муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Замахшарий ўгитлари Шарқий Туркистон халқининг маданий-марифий савиясини оширишда, маънавиятини тарбиялашда, комил инсон бўлиб етишувига хизмат қилиб келмоқда.

1988 йили у ерда Замахшарийнинг «Атвоқ уз-заҳаб» («Олтин халқалар») асари Тўхти Тилла томонидан туркчадан уйғур тилига таржима қилиниб унинг бир қисми Шарқий Туркистонда чиқадиган уйғур классик адабиёти ва халқ оғзаки адабиёти фасллик журнали «Булоқ»нинг 1 сони (умумий сони 22)да нашр этилди. Биз ўша журналдаги Замахшарий ўгитларини ўзбек тилида газетхонларга ҳавола этамиз.

Араб ва араб бўлмаган халқларнинг устози буюк аллома Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий Шарқий Туркистонда ўз асарлари билан барҳаёт.

Абул Қосим Маҳмуд Аз Замахшарий

Кибрнинг ёмонлиги ҳақида

Эй инсон ўғли. Ўзинг лойдан яратилдинг, ичинг бўлса кибр ва мағрурлик билан тўлган... Баъзан ўтган кунинг билан мақтанасен, баъзан бойлигинг, мол-мулк ва наслинг билан ифтихорланасен. Кибр ва мағрурлигинг билан бошқаларни кўзга илмаслик ва улардан юз ўгуриш сенга ярашармикан? Аждодинг улуғлиги билан ҳам мақтанма, диққат қил ва хушёр бўл.

Дўстим, бундан кейинги ҳолинг нечук бўладиганлигини ҳам ўйлаб қўй. Мана шу ёмон одатларингни камайт. Инсонликка ярашмайдиган кибр мағрурликни ҳам ташла.

Ғафлатдан уйғон

Эй инсон ўғли. Умринг қуюндек ўтиб кетаётир. Сен бўлсанг тор кўз қарашингдан келиб чиққан ғафлат ва ақлсизлик билан бу заволлик оламида асрлар бўйи туришни умид қиласан.

Қарасангчи, ҳаётинг худди кундуз ёруғи ва кечанинг қоронғусидай бир нарса. Вақтингни ғафлат уйқулари билан ўтказма, жиддият ва ғайрат тулпорини юганлаб, саломат манзилига уланган отли аскарларнинг бирига мансуб бўл.

Номусни даромадга қурбон қилувчи билан даромадини номусга қалқон қилувчи

Сўзимга яхши қулоқ сол: сенга мол-мулкка эга бўлишинг учун уни жонидан азиз кўриш билан номусини сақламайдиган гуноҳкор паст ҳақида баён қилай:

Бу хилдаги кишилар бойлик ва роҳат-у фароғати бузилмасин деб обрўнинг оёғ ости бўлишидан кўз юмадиган, ўз қорни тўйса, бола чақасини ўйламайдиганлардир.

Сенга шарафли кишиларни ҳам айтай, диққат билан қулоқ сол:

Бу хилдаги кишилар юқоридагининг акси, улар бойликни номусга қалқон қиладиган, ўз қўл остидагиларга катта ҳайрихоҳлик қиладиган аччиғи келганда, аччиғига ҳоким бўлиб ўзини ушлай оладиган, «оғир бўл, мадхланасен» деб ўз-ўзига насиҳат қила оладиган, бир ишда шошма-шошарлик қилганни кўрса» шошма, кишиларнинг олқишига муяссар бўласен» деб жиддий ва қатъий тавсия қила оладиганлардир.

Шарафни ўзинг қозонишинг керак

Отангдан қолган шуҳрат билан қаноатланиб қолма. У шараф ва шуҳрат ўтмишингга мансубдир. Аждодингдан қолган шон-шараф ва шуҳратга сен ҳам янги ва муносиб шон-шарафларни қўшгин. Шундай қилгандагина ҳақиқий шарафлик бўласен. Ўзингга мансуб бўлган шарафга ишончинг бўлмагунча, отангнинг шон-шарафи билан шарафлик бўлиш даъвосида бўлма, фақат ўзингга хос шараф бўлмагунча бошқаларнинг шарафи сенга ёлчимайди.

Ўтмишингга мансуб бўлган шараф билан шахсий ўзингга мансуб бўлган шараф орасидаги фарқ бугун билан туновкун орасидаги фарққа ўхшайди. Тунов кундаги ризқингнинг бугунги фойдаси бўлмаганидек, тунов кундаги тўқлигинг ҳам бугунги очлигингга фойдаси йўқ.

Сенга кераги,бугунги ва шахсий ўзингга мансуб бўлган эътибордир.

«АТВОҚ УЗ-ЗАҲАБ» («Олтин халқалар») АСАРИДАН

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистоннинг Кофарниҳон туманида ўтган ойнинг охирида бўлиб ўтган қуролли тўқнашувдан кейин республика Президенти И.Раҳмонов биринчи марта мухолифат раҳбари яраш комиссиясининг раиси Саид Абдулло Нурий ва Хожиакбар Тўражонзода билан учрашган. Учрашувга турли вазирликларнинг раҳбарлари ҳам қатнашганлар. Бунда республикадаги ҳарбий, сиёсий масалалар муҳокама қилиниб, томонлар келишувга эришганлар. Нурий жанобларининг айтишича энди 45 кун ичида Афғонистондаги мухолифатнинг 500 аскари ҳам олиб келиниши лозим.

***

Тожикистонга қайтиб келган республика Бош вазирининг ўринбосари лавозимига тайинланган Хожиакбар Тўражонзодага ниҳоят шахсий қўриқчилар ажратиладиган бўлинди. Шу масалани ўз вақтида ҳал қилинмаганлиги туфайли у вазирлар маҳкамасида ўзига ажратилган хонасида ишлай олмаётган эди.

***

Тожикистондаги мухолифат томонининг матбуот котиби Муҳаммадюсуф Ҳакимовнинг Би-Би-Си мухбирига айтишича, Кофарниҳондан мухолифат кучлари олиб чиқилиб, улар дўхтирлар назоратидан ўтказиляпти ва ўзлари учун ажратилган ерга жойлаштириляпти. Ҳозиргача 700 аскар тиббий кўрикдан ўтган. Ноҳияда вазият барқарор. Вазиятни ички вазирлик қўшинлари кузатиб турибди.

***

Ўтган жума куни Ашгабатда ҳибсга олинган туркман мухолифат етакчиларидан бири республиканинг собиқ ташқи ишлар вазири Абду Қулиев сешанба куни шаҳарни тарк этмаслик шарти билан озод этилган. Унга товламачилик қилганлиги ва бошқа айблар қўйилган.

***

АҚШда сафарда бўлган Туркманистон Президенти С.Ниёзовнинг кечадан расмий ташрифи бошланган. У дастлаб АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним билан учрашган. Бугун эса Ниёзовни Президент Б.Клинтон қабул қилиши белгиланган. Клинтоннинг вақти тиғизлиги туфайли бу учрашувга икки соат ажратилган. Кейин иккала Президентларнинг мухбирлар билан учрашувлари бўлиши кутиляпти.

Тошкентдаги Бобур хиёбонида таъмирлаш - қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. Бу ерда «Тошметро»,«Сирдарётрестстрой» қурилиш бошқармалари жамоалари ишлаётир.

Суратларда: Мраморчи В.Кубаров иш пайтида: бу ерда фавворалар бўлади.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Тарих учун собиқ

БАҲОНИ КИТОБХОН БЕРАДИ

Бу воқеа автобус бекатида содир бўлди. Менинг ўзим ҳис-ҳаяжонли одамман. Бироқ, бу нотаниш кишининг шунчалик китобга шўнғиб кетганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушладим.

Дарҳақиқат, китоб - офтоб, китоб - маънавий озуқа, дейишади. Инчунин, инсонда емоқлик, киймоқлик ва китоб ўқимаслик бўлмас экан, бунинг бу дунёда нимаси ҳам бўлади?! Яшаш тарзининг маънавий жиҳати - ақлни пешлаш китоб орқали юзага келади.

... Автобус бекатидаман. Ўз йўналишим бўйича қатнайдиган автобусни кутяпман. Шу пайт бекатдаги ўриндиққа мукка тушиб, қўлидаги китобга михдай қадалган кишига кўзим тушди. Назаримда бу китобхонни шу ҳолатидан милтиқ отиб ҳам қўзғатиб бўлмасди. Унга яқинлашиб, мен ҳам ўтирдим. Мени пайқамади ёхуд пайқаса ҳам назар-писанд қилмади. Китобга ўқишга шундай берилиб кетган эдики, гўё ён-атрофида ҳеч ким йўқдай. Қисқаси, муболаға эмаску-я шу ёшга келиб бундай «китобхўрни» кўрмаган эдим...

Китобнинг навбатдаги варағини очаётганда муқовадаги Исфандиёр деган ёзувга кўзим тушди. Мен китобхонга:«Бу ёзувчини танийман!»,дедим. Китобхон миқ этмади, Ўқишда давом этаверди. Мен унинг қулоғи оғирроқ, боз устига сақов бўлса керак, деб ўйладимда баландроқ овозда: «Ҳой биродар, мен Сизга бу китобни ёзган ёзувчини танийман, у яқин биродарим деяпман»,- дедим. У бўлса китобдан бошини кўтармасдан туриб: «Ака, мен кар ҳам, соқов ҳам эмасман. Гапларингизни эшитдим. Ўқиётган тафсилотни охиригача етказай, сўнг қанча саволларингиз бўлса бажонидил жавоб беравераман», деди-да ўқишда давом этди.

Дарвоқе, ёзувчи Исфандиёр билан қадрдонмиз. Унинг ёзганлари, пьесалари, қиссалари-ю романларини ўқиганман. Ҳатто айрим асарларини қўлёзма холатида ўқиб, маслаҳатларимни берганман. Яқинда «Сирли олам» журналида пешма-пеш босила бошлаган янги рўмонини ҳам мунтазам ўқиб боряпман.

Ўткир сюжетли, фавқулодда қизиқарли воқеаларга, кутилмаган қаҳрамонларга мўлкўл китоблар, саҳна асарлари тақдим қилаётган бу суюкли ва ардоқли ёзувчимнинг - қадрдон кишимнинг янги китобини берилиб ўқиётган кишига ҳавасим келди. Шундай ўй-хаёллар билан банд бўлиб турган эдим, китобдан бошини кўтарди-да:

«Мен кўп китоб ўқийман. Китоб «жиннисиман». Бу романни «Сирли олам»да ўқиб, китоб ҳолида чиқишини кутиб юргандим. Бугун унинг нашрини олдим. Мана кўришингиз мумкин», дея ниҳоятда чиройли ва айни пайтда сарлавҳасигача мос жиҳозланган салмоқли китобни менга узатди. Исфандиёр. «Инқироз ёхуд генераллар ўйини».

Ҳамроҳим ниҳоятда хурсанд ва қувноқ ҳолда китобнинг қисқача баёнидаги мана бу сўзларни ўқий бошлади: «Инқироз ёхуд генераллар ўйини» романи 80-йилларда халқимизнинг бошига тушган мудҳиш кўргуликлар ҳақида ҳикоя қилади. Қатағон даврининг қотиллари, қурбонлари ва шу қурбонлар ҳақ-ҳуқуқини, миллат шаънини ҳимоя қилган мард инсонлар кураши асарда очиқ-ойдин, муфассал иншо этилган. Ўйлаймизки, асарни ўқиганлар истиқлол нақадар азизлигини, ватан ҳурлиги нақадар буюклигини янада теранроқ ҳис этадилар». Шу бир-икки жумлаёқ мени тамоман китобга боғлади-қўйди. Ҳада, ана шу даврга бағишланган каттами-кичик ҳар қандай асар ҳар бир кишини, айниқса ўзбек халқини бефарқ қолдирмайди. Китобни ўқир эканман, сатрма-сатр яқин ўтмишимизда бўлиб ўтган ноҳақликлар, халқимиз бошига тушган азобу уқубатлар кўз олдимда қайта жонланди. Она-диёримиз озодлиги, ҳурлигигача бўлган қатағонлар, келгиндиларнинг зулм-зуғумлари, камситишлари, уларнинг ит ялоқларига айланган баъзи «ватандош»ларимнинг хиёнатлари, сотқинликларини янада теранроқ англай бошладим. Муҳим сабоқ олдим. Яхши китоб - сабоқ дарси, ибрат мактаби, деб бежиз айтишмаган машойихлар».

Шу пайтгача тарихимизда «ўзбеклар иши»,«ўзбек мафияси» ва «Пахта иши» деб ном олган воқеа-ҳодисалар ҳақида тузукроқ, ўқимишли китоб ёзилмаган эди. Бу китоб айни муддао бўлди. Москванинг «десантчи» вакилларининг меҳнаткаш, заҳматкаш, меҳмондўст, кўнгилчан халқимизнинг бўйнига сиртмоқ ташлаб, унинг тоза гуллари - илғор, ор-номусли, виждонли вакилларини ўғирликда, порахўрлик-олғирликда айблаб, куракда турмайдиган бўхтон-туҳматлар билан маҳбусларга, турли хил усуллар билан манқуртларга айлантирган пайтларни ҳар бир киши, хусусан ёшлар яхши билишлари, чуқур англаб етишлари зарур. Токи мустақиллигимизнинг қадрига етиб, истиқлолимизнинг нечоғли азизлигини мукаммалроқ англай олсинлар. Ҳамроҳим қўлидаги «Инқироз ёхуд генераллар ўйини» чанқоқлик билан ўқиладиган китоб бўлибди. Қани энди шунга ўхшаш китоблар кўпроқ ёзилиб, кўпроқ нашр этилса! Ўтмишни қўмсовчи баъзи бировларнинг юзига тортилган тарсаки бўларди. Менга китобнинг тили, услуби, босма ижроси ҳам маъқул бўлди. Иқтидорли ёзувчи Ҳожиакбар Ислом Шайх қойиллатиб таржима қилибди. Профессор Карим Норматов тақризи.

Қисқаси, китобни ўқиб чиқинг, вақтингиз беҳуда кетмаганига, ақлингиз яна бир бор пешланишига аминман. Ҳа-ҳа, ишонаверинг!...

Малик МУРОДОВ, профессор.

Sport ❑ Спорт ❑ Sport ❑ Спорт ❑ Sport ❑

ЯШИЛ МАЙДОН ЯНГИЛИКЛАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон 7-миллий чемпионати турдан-турга қизиб бормоқда. Шанба-якшанба кунлари олтинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Минглаб мухлислар қизиқарли учрашувларнинг гувоҳи бўлдилар.

Олтинчи турнинг Марказий учрашуви «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтди. Мухлислар кутганидек, «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари мусобақаси муросасиз, кескин курашларга бой бўлди. Ҳар икки клуб футболчилари жанговор таркибда майдонга тушиб, 90 дақиқа давомида бир-бирларига муносиб рақиб эканликларини намойиш этдилар. Мамлакат чемпионати ва кубок учрашувларида ўзаро 17 марта куч синашган «Пахтакор» ва «Нефтчи» мусобақасида кўрсаткичлар деярли тенг эди. Фақат тўплар нисбатига кўра пахтакорчилар олдинда боришаётганди. Учрашувнинг иккинчи дақиқасида Азамат Абдураимов киритган тўп майдон эгаларига ғалаба келтирди. Фарғоналик футболчилар вазиятни тенглаштириш учун ҳар қанча ҳаракат қилсаларда, бунинг уддасидан чиқа олмадилар.

Ўтган йилги чемпионатнинг бронза медали совриндори Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси футболчилари ҳам кетмакет очко олишаяпти. Бу сафар улар ўз майдонларида Термизнинг «Сурхон» клубини қабул қилдилар. Бешинчи турда МҲСКни 5:0 ҳисобида енгган. Термизлик футболчилар Наманганга кўтаринки кайфиятда келишганди. Бироқ «Навбаҳор» футболчилари биринчи дақиқадаёқ меҳмонларни учрашувни майдон марказидан бошлашга мажбур этишди. Рашид Ғофуров «Сурхон» дарвозабони Дмитрий Сулаймоновни ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур этди. Сўнгра 6-дақиқада Константин Павличенко, 20-дақиқада эса Элшод Гамбаровлар ҳисобни 3:0 га етказишди. Иккинчи бўлимда ўзларини ўнглаб олган «Сурхон» футболчилари ҳисобдаги фарқни қисқартиришга ҳаракат қилиб туришди. Лекин «Навбаҳор» ҳимоячилари бехато ўйнадилар. 68-дақиқада яна Элшод Гамбаров ҳисобни оширди. Орадан 10 дақиқа ўтгач, иккинчи бўлимда майдонга тушган Шуҳрат Раҳмонқулов «Сурхон» жамоаси дарвозасига бешинчи тўпни киритди.

Қаршида «Насаф» ва «Бухоро» жамоалари мусобақаси ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Совриндорлар сафига киришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ҳар икки клуб футболчилари имкониятни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилдилар. 90 дақиқа давомида ҳар икки жамоа бир неча бор қулай имкониятларга эга бўлсалар-да, дарвозаларни ишғол қилолмадилар.

Олтинчи турдаги энг йирик ҳисоб Тошкент вилоятининг «Дўстлик» ва Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоалари учрашувида қайд этилди. «Дўстлик» жамоаси 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Олий табақанинг янги аъзоси Бекободнинг «Металлург» клуби футболчилари сафарда Навоий шаҳрининг «Зарафшон» жамоасига 3:0 ҳисобида ютқаздилар. Ана шу ҳисоб Косонсойда ҳам қайд этилди. Ўтган турда Бекободнинг «Металлург» жамоасига 3:1 ҳисобида имкониятни бой берган Косонсойлик футболчилар бу сафар Урганчнинг «Хоразм» жамоасини қабул қилиб, рақиблари давозасига учта жавобсиз тўп киритишди.

Ўтган йилги мамлакат чемпиони МҲСК футболчиларининг бу сафар ҳам омадлари келмади. Ўз майдонларида Жиззахнинг «Сўғдиёна» клубини қабул қилган Тошкент армиячилари дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритилди. «Трактор» - «Андижон» жамоалари учрашуви 1:1 ҳисоб билан якунланди. Олти турдан сўнг «Навбаҳор» ва «Пахтакор» жамоалари 15 тадан очко жамғариб, турнир жадвалининг биринчи ва иккинчи поғоналарида боришмоқда. Қарши шаҳридаги дурангдан сўнг «Бухоро» клуби футболчилари 13 очко билан турнир жадвалининг учинчи поғонасига кўтарилиб олишди. «Нефтчи» ва «Сўғдиёна» клублари 12 тадан очкога эга. Уч ғалаба бир дуранг ва икки мағлубиятдан сўнг, «Дўстлик» ҳамда «Зарафшон» жамоалари 10 тадан очко тўплаганлар.

Чемпионат тўпурарлар рўйхатини пахтакорчи Азамат Абдураимов бошқариб бормоқда. Унинг ҳисобида 6 та тўп бор.

Олий табақа жамоалари еттинчи тур ўйинларини 26 апрел куни ўтказишади.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Халқ таълими вазирлиги тизими болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари орасида бу каби мусобақалар анчадан бери ўтказилмаганди. Шу тариқа мутахассислар ўринбосарларни кўриб олиш (чунки иштирокчилар 17 ва ундан кичик ёшда, кўпчилиги ҳатто 7-8 ёшдалар) ва жойларда спортнинг бу тури қай аҳволда эканини билиб олиш имконига эга бўлдилар.

Масалан, Зафарободдаги 8-БЎСМ жамоаси Республика мусобақаларида илк бор ва тўлиқ таркибдақ қатнашди, -дейди мусобақа бош ҳаками Анелла Малкина. Катя Пресманни алоҳида тилга олиб ўтмоқчиман. Менимча, унинг келажаги порлоқ. Нукусдаги 4-БЎСМнинг ёш, лекин истеъдодли қизчалари бизни қувонтиришди. Самарқандликлардан Светлана Бекбаева (4-БЎСМ) ҳам мухлисларда катта таассурот қолдирди. Чирчиқдаги 2-ИБЎСМ, Андижондаги 1-ИБЎОЎСМда яхши спортчиларни кўрдик. Кўриб турибсизки, «географиямиз» эътибори, қатнашчилар сони 75 та. Бу яқин орада ўринбосарлар борасида муаммо бўлмайди, дегани. Бу галги очиқ мусобақалар (у ерда бишкеклик спортчилар ҳам бор эди) яна бир аниқ мақсадни кўзлаганди - Москвада ўтадиган I Бутун Жаҳон ёшлар ўйинларида иштирок этиш учун номзодлар сараланди. Жамоа таркибида 1981-82 йилларда туғилган уч гимнастикачи (спорт усталари бўйича) ва 1984 йилда туғилган икки спортчи (спорт усталигига номзодлардан) олинади. Шу боис кўплаб спортчиларга эътиборни қаратдик. Жамоани танлагач, уларни ёз бўйи республика ва халқаро мусобақаларда тайёрлаб борамиз. Май ойининг бошларида «Меҳнат ўринбосарлари» базасида ўқув машқ йиғинини ўтказамиз. Ўйинларга яхши тайёргарлик кўриш лозим.

МҲСК залидаги мусобақа бу йилги дастлабки старт бўлди. Мавсум бошида спортчилар яхши спорт формасида эканини кўрсатишди, бироқ пойтахтликлар билан рақобат қила оладиганлар топилмади. Усталар орасида шоҳсупага - Лисия Носирова 36,5 балл, Юлия Кныш - 35,4, Ойдин Файзиевалар - 35,1 балл кўтарилишди. Уларнинг учаласи ХТВ ИБЎОЎСМдан - Анелла Малкина тарбияланувчиларидир.

Номзодлар орасида Елена Подгорнова (Тошкент 22-ИБЎОЎСМ, тренер Ирина Золотарёва) 33,9 балл билан биринчи, унга атиги 0,2 балл бой берган Катя Сарсоцких иккинчи, 32,8 балл тўплаган Ирина Камгарова учинчи бўлди. (Ҳар иккиси - Республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактабидан). Жамоа ҳисобида Тошкентликлар биринчи, қорақалпоғистонликлар иккинчи бўлди. Учинчи ўрин самарқандликларга насиб этди.

Донийр ЮСУПОВ.

Олимпия югуриш куни

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида ҳар йили жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида нишонланадиган Олимпия югуриш кунини ўтказиш бўйича ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Аньанага кўра, республикамизда олтинчи маҳаллий Олимпия югуриш кунининг финал мусобақалари 21 июн кунида Мустақиллик майдонида ўтказилади.

Ташкилот қўмитаси мажлисида Олимпия югуриш куни иштирокчилирини кутиб олиш ва жойлаштиришга доир ташкилий масалалар кўриб чиқилди, бу тадбирни маблағ билан таъминлаш, ҳакамлик ва реклама муаммолари ҳал этилди.

«Кока-кола» фирмаси Олимпия югуриш кунининг бош шафесидир. Фирма ғолибларга совринлардан ташқари, Олимпия югуриш кунининг ҳар бир иштирокчисини спорт кийими билан таъминлайди.

/ЎзА/

''ПТС'' ФИРМАСИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

САУНАЛАР УЧУН МАХСУС ДАВОЛАШ ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИ;

КИЧИК НОНВОЙХОНАЛАР (4 хилдаги: 160. 80, 32 ВА 8 буханка нон пишириш қувватига эга);

ЭЛЕКТР КАЛОРИФЕРЛАР — ИСИТГИЧЛАР;

ХАМИР ҚОРГИЧЛАР;

ДУДЛАШ ВА ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ;

ДИСТИЛЛЯТОРЛАР;

САНОАТ ЭЛЕКТР ПЛИТАЛАРИ.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати.

Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

ИШОНЧ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАХСУС

Бош муҳаррир ўринбосари: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш -56-85-43.
Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21. 00

Буюртма Г— 011147. Нусхаси — 24.738. Масъул навбатчи: Довур ЖОЗИЛОВ. 1 2 3 4 5 6